



I
Тун яримлаб бораётган эди. Кайлардадир шошалоқ хўрозлар бу ҳақда кичкириб ҳам бўлишди. Соғуний домла нафл намозлари, тасбех ва салавотларини адо этгач, жойнамоздан туриб ташкарига йўналди. Савр осмони тиник эди. Гарчи табиат хали-замон баҳор кучогида бўлса-да, аммо ҳаво худди ёздагидек илик... Негадир йил курук келди. “Бу ниманинг аломати экан, – ўйлади Соғуний домла. – Ишкилиб охири бахайр бўлсин-да...”

У ана шундай ўйлар билан ертўлага тушди. Гугурт чакиб, бурчакда турган шамни ёкди. Сўнг уни кўтарганча ертўла ичкарасига юрди. Энг четдаги ун кутини нари суриб, унинг остидаги тупрокни кўли билан бир четга олди. Тупрок остидан силлик тўрт бурчак ёғоч копкок кўринди. Унинг атрофини тупрокдан обдон тозалаб, сўнг копкокни очди. Копкок остидан эса тўрт тарафи захдан ёғоч билан ихоталанган каттагина ковак кўринди. Бу жойда домланинг кўлёмалари сакланади. У дафтарлар орасидан бирини кўздан кечириб олди-да, кейин ковак огзини кайтадан ёпиб, устига тупрок тортди, сўнг ун кутини жойига суриб қўйди. Шу ишларни бажариб бўлиб эди ҳамки, кути устига қўйилган шам “лип” этиб бирдан ўчди-колди... Соғунийнинг юраги бир хаприкди. Чап кўлидаги дафтарни коронгуда пайпаслаб кути устига қўйди-да, киссасидан гугурт олиб шамни кайта ёкди. Аммо гугуртни киссасига солиб улгурмай, шам яна ўчди. “Бизга нима бўляпти? – хаёлидан ўтказди Соғуний домла. – Аллох, ўзингдан бошқа панохимиз йўк. Йўк килгувчи ҳам, бор килгувчи ҳам ўзингсан. Бандаларингдан раҳм-шафкатингни дариг тутма...” Ногох Соғуний кўз олдига Фрунзе[1] шаҳридаги акаси Олимхонтўра келди. Ўсмирлик пайтларида у билан бирга Саудия Арабистонида ўкиган кезларини эслади. Олимхонтўра узок йиллар давомида Киргизистоннинг муфтийси вазифасида турди. “Бу шамнинг ўчиши нимадан экан?”, деб яна хаёлидан ўтказди. Акаси касал эди. Яқинда Абдулла дўхтир билан бориб, муолажа қилиб келишган.

Ўшанда акасининг бетоблиги хақидаги хабарни эшитиб, калби гамга тўлиб ўтирган пайти эшикдан шогирди Абдулла дўхтир кириб келди.

– Яхши келдингиз-да, бўтам, – деди Соғуний Абдулла дўхтирга караб. – Акам Олимхонтўра бетоб ётгани хакида хабар етказишди...

– Фарзандлардан бировини етаклаб, бориб келинг унда, устоз, – деди Абдулла дўхтир домланинг эзгин ахволига караб.

– Йўк, сизни олиб кетаман, – деди дабдурустан Соғуний Абдулла дўхтирга караб. – Бу ерда туриб беморнинг кандай ахволда эканини билмаймиз. Унинг касали хам бизга номаълум. Каерда бўлмайин, умримнинг бир кисми касалларни даволаш билан ўтмоқда. Менинг бу ишларим аввало, Аллохга таваккул, колаверса, халк табобати тажрибаларига асосланади. Айни пайтда мен айрим сўқир табиблар мисоли бугунги табобатни инкор этмайман. Буларнинг хар иккаласининг хам максоди битта – шифо ул-илал. Шундок экан, кани кўрайлик-чи, бу ишда сиз канчалик махоратга эришдингиз экан.

– Мени синамокчимисиз, устоз? – Абдулла дўхтирнинг овози калтиради.

– Йўк. Сизни синаб бўлганман. Олган илмингиздан одамлар бахра олсин дейман, – Соғуний Абдулла дўхтирга жиддий каради...

– Кимдир айтмиш экан: “Сайр хам сайр, саргардон хам сайр” деб. Ахир ўзингиз хам бу ерларга келгунга қадар озмунча саргардонликни бошдан кечирдингизми, ўғлим, – деди Соғуний домла “Тошкент-Фрунзе” автобусига ўтиришгач, Абдулла дўхтирга. – Мана энди, хам савобат, хам саёхат, дегандай яна йўл юришимизга тўғри келмоқда. Бу дунёда ошхўрга ош, нонхўрга нон доим муяссар бўлмаса-да, аммо йўлчига йўл доим мухайё. Зеро, ота-бувангизни хам билар эдим. Бувангиз асли Маргилонлик бўлиб, исмларини Мухаммадамин Афгон чойфуруш дейишарди. Хиндустону Кашмир йўллари у кишига ёд бўлиб кетган. Чой савдоси билан шугулланган. Маргилонда ўнлаб чой дўконлари ўша бувангизга карашли эди. Чор Русиясининг босқини барчани хар томонга тиркиратиб юборди. Отангиз Бойбува хожининг йўли эса бизга ўхшаб Гулжага тушди...

Абдулла дўхтирга шуларни айтар экан, Соғуний узок ўйга толди. Умрим мана, саксон ёшдан ўтаяпти, хамон йўлдаман. Шу муддатнинг йўк деганда олтимиш йили ота Туркистонда кечди. Каерда бўлмайин, динсизликка, жаҳолатга карши гох қурол билан, гох сўз билан қурашиб келдим. Унинг хаёлидан Николай иккинчининг 1916 йил ёзининг айни чилласида чиққан фармони ўтди. Мазкурга мувофик империядаги гайрирус аҳолининг эркакларини ҳаракатдаги армия турган районларда мудофаа иншоотларини ва ҳарбий алоқа йўлларини қуриш ишларига, худди шунингдек, давлат мудофааси учун зарур бўлган бошқа хар кандай ишларга сафарбар қилиш айтилганди. Туркистондан меҳнат армиясига 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган 250 минг ишчи олинадиган бўлди. Бу дегани хар бир ховлидан биттадан жон, демакдир. Хатто тул қолган хотинлардан хам якка-ю ягона фарзандини мардикорга жўнатиши талаб этилди. Мана шундай аҳоли ўз боқувчисидан айрилиб турган бир пайтда мустабидлар томонидан “Хар кандай маҳаллий киши бошқа одамни ёллаши ва ўзининг ўрнига жўнатиши мумкин” деган кўрсатма келди. Ана шу кўрсатма шундок хам паймонаси тўлиб турган халкнинг оёкка қалқишига сабабчи бўлди. Чунки бу кўрсатма билан бой-бадавлат кишилар ўз болалари ўрнига пул бериб, бева-бечораларнинг, ерни таталаб қун кўраётган дехқонлар, чорикорлар

фарзандларини мардикорликка жўнатишга рухсат берилди. Эндиликда юз минглаб оддий аҳолининг бокувчисиз қолиши тайин эди. Шу боис фармонга келган кўшимча кўрсатма халқнинг тўлиб турган паймонасини тошириб юборди... Ўша пайтларда Козон шаҳрида чоп этиладиган “Вакт” газетасида: “туркистонлик бойларнинг ўз болалари ўрнига 1000-1500 сўм тўлаб одам ёллаганлари” ҳам ёзилди. Рус мустабидларининг бундай тутумига қарши бутун Ўрта Осиё, жумладан, Ёттисувда ҳам норозиликлар кучайди. Ўлкадаги кўзғолонлар фармон чиққандан ўн беш-йигирма кун ўтиб, уни амалга ошириш бошланган пайтда, дастлаб Ўш уездининг Хўжаобод қишлоғида, Андижон Жоме масжиди олдида жамоатнинг кўтарилиши билан бошланди, деб эшитдим. Узун-кулок гаплар кўпайиб турди. Ўша пайтлари отамиз Шокирхонтўра Тўқмоқда қурган масжидда имомлик қилиб турардим. Тирикчилигимни эса дехқончилик ва табобатдан тушган даромад билан тебратар эдим. Окпошшонинг юқорида айтганим фармони нега айнан мана шу жаҳон уруши кетаётган вақтда чиқарилгани сабаблари ҳақида кўп ўйладим. Урушнинг айрим жаҳаларида Россия қўли баланд келса-да, аммо Ғарбий фронтда унинг аҳоли оғир эди. Бу урушда, яъни, Биринчи жаҳон урушида эндигина озодликка эришган ёш Туркия ҳам ўзи истамаган ҳолда иштирок этарди. Мен ўйлардимки, Усмонли турклар билан Туркистон туркларининг қелиб чиқиши, миллат-элатининг бирлиги Окпошшога, унинг маъмурларига аён. Бир сўз билан айтганда, Туркистон туркларининг фронт сарҳадларида рус армиясининг мардикори бўлиб туриши ўз миллатдошларига қарши томонда туриб русларга кўмак бераётганини кўрсатишдан ташқари, умумтуркий халқлар устидан масҳаралаш ҳам эди. Гўё, усмонлилар кўриб қўйинглар, Сизга ўзингизнинг уругингиз ҳам қарши қурашяпти, дейиш эди... Фармон замиридаги бундай қиши билмас бешармликни ўша пайтда қим қандай тушунган билмадим, аммо мен бу фармон – Туркистон халқлари орасида қаҳатчиликни, уруш-жанжални, отилиш-сўқилиш қаби ҳолатларни келтириб чиқарганликдан ташқари, ана шундай Усмонли турклар билан Туркистон турклари орасида қин, адоватни кучайтириш тадбири ҳам борлигини аниқ-тиник сезганимдан, масжидларда, турли-туман йигинларда айтган ваъзаларимда Окпошшонинг маъмур фармонини бажармасликка даъват этдим... Бу борада яна бир муҳим ҳодисани ёдда тутиш лозим, деб биламан. Маълумки, руслар Туркистонни босиб олгач, бу ерларга кўплаб рус “муҳик”ларини қўчириб келтира бошлади. Бу ҳодиса айниқса, Россияда ўтган асрнинг 90-йилларида юз берган қурғокчилик ва очарчилик муносабати билан янада қенг қулоқ ёйди. Қўчирилган одамларнинг ақсарияти қамбағалликдан ҳонавайрон бўлган дехқонлар, бир неча марта лаб қамалган ароқхўр пиёнисталар эди. Шаҳри атрофи, бу ёғи то Тўқмоқ ва бошқа қентларга қўзилган жойлардаги ўрус қишлоқлари шу тариқа пайдо бўлган. Табиийки, бундай серсув, серҳосил, серўт жойларга кўплаб ўшандай “ҳаёт жонидан тўйгазган” одамларни қўчириш маҳаллий қирғиз, ўзбек, тунгон халқларини ўз ерларидан қиқиб қиқарди. Қирғизлар учун серўт қайловлар, ўтрок халқ учун эса серҳосил қалалар танқис бўлиб қолди. Бундан жунбушга қелган қирғиз халқининг айрим тоифалари ерларини тортиб олган “муҳик”лар устига тез-тез босқинлар уюштириб турар эдилар. Окпошшонинг фармони эса маҳаллий аҳолини паймонасини бутунлай тўлдириб юборди. Юқоридаги қаби босқинларга, тинч аҳолининг мардикорликка қарши исёнлари қўшилиб қетди. Шусиз ҳам қирғизлардан қандай ўч олишни билмай турган қор ҳуқумати қазо отрядларини ишга қолди. Натижада, Шимолий Қирғизистоннинг ўзида юз минглаб қирғизлар қирғин қилинди. Юз минга қарин қирғиз эса Қитойга қочиб ўтди. Улар орасида мен ҳам бор эдим... Бу ҳодиса тарихда “Уркун” яъни “Қочқин”номи билан қолди. Қирғизистоннинг жанубида эса бу воқеа

“коч-коч” деган ном олди.

– Отангиз Бойбува хожим билан биз Гулжага ана шундай огир кунларни бошимиздан кечириб бориб колганмиз, – деди Соғуний Абдулла дўхтирга караб ва яна бир кур тарихларни эслади.

ТАРИХ. Соғунийнинг олис 1914–1916 йиллардаги фаолияти хусусида унинг ўгли Кутлугхонтўра Шокиров шундай дейди: “Отамиз Бухородаги амир Олимхон мадрасаси тахсилени тугатиб кайтгач, она шаҳарлари Тўқмоқда кенг диний маърифатчилик фаолияти билан холисона шугулланадилар..

Бу орада Биринчи жаҳон уруши бошланиб, чор маъмурияти маҳаллий аҳолини фронт ортида (ёки фронтнинг ўзида) ишлатиш учун мардикорликка сафарбар кила бошлайди. Отам чор ҳукуматининг мазкур сиёсатида катъий равишда ва очикдан-очик қарши чиқиб, аҳолини оммавий тарзда бўйсунмасликка, ўз фарзандларини мардикорликка бермасликка чақирадилар. Жумладан, Ёттисувда кўтарилган халқ кўзғолонларининг йўлбошчиларидан бири сифатида мусулмонларнинг урушда иштирок этишларига қарши қатъий[2] берадилар. Бу ҳақда адашмасам, Туркия Ислом энциклопедиясида битилган. Шу баҳона бўлиб, чор махфий полицияси тазйик қораларини кўриб, ортига одам қўйилади. Бирок ҳукумат халқ оммаси қазабидан қўчиб, отамизга зарар келтиролмади, ўшанда. Отам қирғизларнинг қуроли қишлоқларида фаол қатнашдилар ва улар шафқатсизларча қотирилгач, Қошқарга сиёсий қочқин сифатида қетишга мажбур бўлдилар”[3].

Тарихий манбаларда Соғуний қелтирган воқеа – Ўркун ҳақида шундай маълумотлар бор: “Ўркун Қирғизистондаги 1916 йилги халқ кўтарилиши бўлиб, қирғиз туркларининг чор Русияси мустамлақачилик сиёсатида қарши миллий-озодлик ҳаракатидир. Айниқса, Биринчи жаҳон уруши йилларида аҳолининг турмуши ниҳоятда огирлашди. Шундай бир вазиятда Ёттисув облақтидан уруш қетаётган жойларга озик-овқат етқазиш учун 55 млн сўм (рубл ҳисобида бу жуда қатта қамларни ташқил этади – Ё.Х.) йигилди. Нарх-наво кўтарилиб, солиқлар миқдори ошиб қетди. Бунинг устига жон бошига 1 сўм 84 тийинлик ҳарбий солиқ ҳам жорий этилади. Подшоҳ амалдорлари урушни баҳона қилиб, маҳаллий аҳолининг от-улови, қийим-кечаги, қигиз ва бўз уйларини ҳам қортиб ола бошлайди. Ёнгдашқатлиси уруш йилларида қирғизларнинг қйлов ва сувли ерларини қортиб олиш авжига қикади. Масалан, Чуй воҳасида 1915 йилга қелиб маҳаллий аҳолининг 700 минг гектардан ортиқ ери қортиб олинан. Қирғизистон жанубида эса дехқонлардан 82 минг гектар ер қортиб олиниб, “қужик”лар ихтиёрига берилган. Норозиликнинг қучайишига рус тўралари, рус қужикларининг маҳаллий аҳоли маданияти, анъаналари, дини ва тилларини менсимаслик-лари ҳам туртки бўлган.

1916 йил июнига қелиб қичок суяққа етди, яъни подшоҳ Николай иққинчининг Туркистон аҳолисини ўрмонларни қесиш, йўл ва қўприқлар қуриш, оқоплар қазииш ишларига жалб қилиш ҳақидаги фармонидан сўнг қирғизлар оёққа турди, уларни яхши қуроланган рус аскарлари ҳам қўрқита олгани йўқ. Кўзғолонлар буткул Туркистонни қамраб олди. Бу исён 10 миллион аҳоли яшайдиган қатта ҳудудда қўй берди. Июл ойида бошланиб августда қуроли қаршилиққа айланган халқ қалаёни октябрь ойининг охирига қадар

давом этди. Халк кўп жойларда, масалан Кемин, Исиккўл, Тангри тоғ худудларида ўз хонларини ҳам кўтаришди. Жумладан, Кеминда кадимий урф-одатлар бўйича халкка бошчилик қилиш учун Шобдон ботирнинг ўғли Мокуш хон қилиб кўтарилгани тарихдан маълум. Еттисувнинг бутун худуди талотўп бўлиб кетди. Исёнлар ва жазо отрядлари ўртасидаги сўнгги йирик тўқнашувлар 23 августда Коракўл яқинида, 28 августда эса Тулда бўлиб ўтди. Бу жангларда маҳаллий аҳолидан 7 мингдан ортиқ одам қатнашди. Аммо яхши қуролланган рус казакларига бас қилиш қийин эди, шунинг учун кузга бориб кўзғолончилар тоққа қараб чекинишга мажбур бўлишди. Сентябрь ойида улар мудофаа жангларини олиб боришди. Подшоҳ қўшинларининг шафқатсиз қисувларига бардош бера олмаслигини тушунган халқ ота-юртни ташлаб Хитой ва бошқа жойларга кетишга мажбур бўлди.

Шундай қилиб, Уркун фожияси 1916 йилнинг кеч қузида бошланиб, 39 та волостнинг аҳолиси ўз уйларини ташлаб чиқиб кетди. Хитойга қочганларнинг сони 160 минг кишидан ортиқ бўлиб, шундан 130 мингга яқини қирғизлар бўлган. Уркунга тушган халқнинг мол-мулки таланиб, қолгани ит-қушларга ем бўлган. Биргина Пржевальск уездида 2,5 млнга яқин талон-тарож ҳолатлари қайд этилган”[4].

Ҳозирги Қирғизистоннинг шимолида, ўша пайтдаги Еттисув ўлкасида юз берган “Уркун” – “Қочқин” фожияси қаби воқеа, ҳодисалар жанубда, яъни Фарғона водийсида ва жанубий Қозғистонда ҳам кечганки, чор Русияси ва унинг “таҳти”ни эгаллаган советларнинг Туркистон аҳолисига ўтказган жабр-ситамлари, қирғинлари кўп бўлганини тарихий маълумотлар тасдиқлайди.

ЯНА ТАРИХ. Андижонда ўша 9 июлда бошланган тўполонларда чор аскарлари томонидан уч киши ўлдирилади. ўн икки киши жароҳат олади. Кўзғолончилар бор-йўғи тош-қесак, қетмон, паншаҳа, таёқ билан қуролланган эди. Уларга қарши Туркистон ҳарбий округининг казак отрядлари юборилади. Ўша кунлари Наманганда кўзғолончилардан ўн икки киши казакларнинг ўқиға учиби ўлади. Албатта, қучлар тенг эмасди. Чор ҳукумати кўзғолонларни бостириш мақсадида 1916 йил 17 июлдан эътиборан Туркистонда “ҳарбий ҳолат” эълон қилиб, маҳаллий маъмурларга халқни янада эзиш учун қатта ҳуқуқлар беради. Орадан бир неча кун ўтиб эса (21 июлда) Санкт-Петербургдан шундай буйруқ келади: “Маҳаллий халқ (туземцы) барча идора маъмурлари ва офицерларга ҳурмат билан эгилиб салом берсин!”[5]. Ушбу буйруққа биноан ерли халқнинг тўпланишлари ман қилиб қўйилди. Поездға факат уёзд бошлигининг рұхсати билан билет сотиладиган бўлди. Фарғона водийси, жумладан Жалолободға қелган поездда одамларға озик-овқат эмас, балки қурол-яроқ, аскар, ўқ-дори олиб қелиб, бу ердан пуд-пуд қўмир, пахта, мис, олтингугурт ташиб қетилди. Хатто темир йўллар яқинида дехқончилик қилиш таъқиқлаб қўйилди.

Мана шундай талотўп бўлиб турган кунларда Россияда Феврал революцияси қалаба қилиб, Оқпошшо тахтдан улоқтириб ташланди ва Муваққат ҳукумат тузилди. Русияда 300 йил давом этган монархияға чек қўйилди. Мамлакатда икки ҳокимиятчилик вужудға қелди. Бир томонда князь Львов бошчилигида буржуа-помешчиклар ҳукумати – Муваққат ҳукумат, иккинчи томондан эса, ишчи, дехқон ва аскарлар депутатлари Советлари иш бошлади. Русиядан фарқли ўлароқ Туркистонда уч ҳокимиятчилик қарор топди:

Биринчиси. Русия Муваккат ҳукуматининг Туркистондаги вакили – Туркистон кўмитаси ва унинг жойлардаги идоралари.

Иккинчиси. Ишчи-деҳкон ва аскар депутатларнинг Туркистон ўлка Совети (Шўроси) ва жойлардаги бўлинмалари.

Учинчиси. Туркистон Мусулмонларининг Марказий Шўроси, унинг жойлардаги шўъбалари.

Кучларнинг бу хилдаги таксимоли Туркистондаги инкилобий демократик ҳаракатнинг асосан икки йўналишда ривожланиб борганлигини кўрсатади. Биринчи йўналиш номиллий йўналиш бўлиб, икки хил кўринишда фаолият кўрсатганлигидан катъий назар унинг асл ва бош максоди бир эди: қандай усул ва шаклда бўлса-да, турли хилдаги хийла ва найрангларни ишга солиб, Туркистонни Русия мустамлакачилиги асоратида саклаб қолиш, ўлкада улуг рус миллатчилиги сиёсатини олиб боришдан иборат эди. Бу йўналиш Муваккат ҳукуматнинг Туркистон кўмитаси ва ишчи-деҳкон ва аскар депутатлари Туркистон ўлка Совети шаклида намоён бўлди.

Иккинчи йўналиш. Ўрта асрчилик тартибларига қарши, демократик, миллий мустакиллик ҳаракати кўринишида бўлди. Бу йўналишни Туркистон мусулмонлари Шўроси атрофида уюшган Туркистон ўлкасининг илғор ва прогрессив қарашдаги ватанпарвар, истиклолчи зиёлилари ва ислом дини уламолари бошқарди. Куч ва қудрат ўлка мусулмонлари Марказий Шўроси томонида бўлиб, уни маҳаллий халқнинг қўпчилиги қўллаётган эди.[6]

Аҳолиси аксарият ўзбеклардан иборат Сузукда февраль инкилобидан сўнг бир томонда Муваккат Ҳукуматнинг қуйи органи – жамоат ҳавфсизлик комитети ва унинг рақобатбардош “Шўрои Исломия” ташкилоти фаолият кўрсатди. Мана шу бир-бирига қарама-қарши турган икки қучнинг ҳокимият учун қураши ўз ниятига етмай Андижонда, Жалолободда, жумладан Сузукда большевиклар зўрлик билан ҳокимиятини ўрнатдилар.

Сузукда ўзбек аҳолиси орасида ташкил этилган ва самарали фаолият кўрсатаётган “Шўрои Исломия” ва фронт ортидаги мардикорларнинг 1917 йил февраль инкилобидан сўнг Сузукка қайтиб келган ўзбек ишчилари ташаббуси билан тузилган мусулмон ишчи депутатлар Совети (Муссовет) ҳам 1917–1919 йилларда аҳолини ҳуррият сари етаклаш, уюштириш борасида салмоқли ишларни амалга оширдилар. Улар 1917 йил 26-29 ноябрда Қўқон шаҳрида ташкил этилган ўлкадаги биринчи миллий, демократик давлатни – Туркистон Мухториятини қўллаб-қувватладилар. Бирок, 1918 йил февраль охирида бу қонуний ҳукумат большевиклар томонидан қуролли қуч ёрдамида бешикдаги чоғидаёқ қонга беланди, тугатилди. Бутун Фарғона ўт ичида қолди. Большевиклар, дашноқлар, қизил гвардиячилар водий кишлоқларидан 180 тасига ўт қўйдилар, аҳолини қатлиом қилдилар. Сузук ҳам ана шундай қоғеали қунларни ўз бошидан кечирди. Бу ҳунрезликлар, тажовузлар, қатлиомга қарши маҳаллий мусулмон аҳолисининг қорозилиги, нафрат-қазоби ортиди. Қуролга қарши қурол билан жавоб бериб, қуртқи большевизм қорзинидан қозод этиш учун қуролли қураш, қуруш қорланди. Бу қорозилиқни большевиклар “қорзачилик ҳаракати”, миллий қозодлик учун қурашувчиларни эса

“босмачилар”, “бандитлар”, “газовотчилар”, “халк душманлари”, “бой унсурлар” деган турфа номлар билан атадилар. Сузук Советларга карши истиклолчилар олиб борган жанг майдонларидан бирига айланди.

Сўзимизга кайтайлик. Айни тирикчиликнинг устуни бўлиб турган 123 мингдан ортик эркакнинг Кора денгиздан Болтик бўйига қадар чўзилган фронт орқасидаги огир ишлар учун мардикорликка олиб кетилгани, кўзғолон туфайли минглаб аҳолининг халок этилиши ва камокларда сақланаётгани, чор ҳукумати томонидан минглаб гектар экинзорларга бугдой ўрнига факат пахта экдирилиши, кургокчилик, Русия ва Козогистондан вақтида дон етказиб берилмагани оқибатида Туркистондаги 7 миллионлик (1917 йилда) аҳоли учун очлик, қахатчилик ҳавфини юзага келтирди. 1916 йилнинг декабр ойида Самарадан Фаргона вилоятига келтирилиши ваъда қилинган 373 вагон ун келмади. Водийда очарчилик аломатлари пайдо бўла бошлади. Халкнинг газабидан саросимага тушган маъмурлар Русия марказидаги раҳнамоларидан озик-овқат ўрнига ҳам курол-ярок, ўк-дори, юз минглаб аскарлар жўнатишни талаб қилишарди.

Туркистон халкининг бошида кўп қалтаклар сингани тарихдан маълум. Биринчи жаҳон уруши гарчи Русия, Европа ҳудудларида кечган, Феврал, Октябр инқилоблари Санкт-Петербургда юз берган бўлса-да, бу воқеаларнинг асл фожиалари рус империяси ҳудудлари, жумладан, Сузукда ҳам огир оқибатларни келтириб чиқарди. Айниқса, мардикорга олишга қарши кўзғолонлар, Туркистон мухториятининг қонга ботирилиши, 1917 йилги “қоч-қоч” маҳаллари халққа ўтказилган жабр-ситамлар, тўқилган қонлар ўзбек, қирғиз халқининг ҳеч бир ёдидан кўтарилмайди. У ҳақдаги фожиали воқеалар, гап-сўзлар қулоқма-қулоқ авлоддан авлодга ўтиб келмоқда. Албатта, ана шундай, “қоч-қоч”лар Туркистон ва Фаргона водийсининг бошқа жойларида ҳам бўлган. Юқорида айтганимиздек, Ёттисувда бу фожеа “Уркун” номини олган. Аммо, жуда кўп жойларда бўлар эканмиз, “қоч-қоч” деган гапларни деярли эшитмаганмиз. Бирок, “қоч-қоч” деган гапни Сузукликнинг қаттасидан қичигигача яхши билади. “Хў, ўша 1916-20 йиллардаги қоч-қоч-да!” дея тасдиқлаб ҳам қўйишади. Сузукнинг пешқадам уламоси, марҳум Зухриддин маҳсум бува ўша даврларни эсларкан, чор амалдорлари Сузук ва сузукликларни ўта ёмон кўрар эди, деган эдилар. Чунки Сузукда дин қучли бўлган. Бойлар кўп эди. Одамлар тўқ яшаган.

Сузуклик Собиржон Мазайтов гап орасида мардикор олишга тўхталиб, бир воқеани сўзлаб берди. Қатта дадалари Исматилла хожининг Юнус хожи, Юсуф хожи деган ўғиллари бўлиб, Юсуф хожининг хатто писта (адир пистаси) тозалайдиган идораси ҳам бўлган экан. Яна бир амаки-дадаси Исоқ хожи эса пахта заводининг эгаси бўлган (тарихий маълумотларга кўра, 1913 йилда ҳозирги Ўш ва Жалолобод вилоятлари ҳудудида 5 та пахта тозалаш заводлари мавжуд бўлган. Мазкур заводларда сув, буг ва нефть билан ишлайдиган моторлар қўлланилган). Мардикор олиш пайтида Исоқ хожининг оти рус амалдорларига ёқиб қолибди. Улар мардикорга тушган солиқ сифатида ана шу отни талаб қилишибди. Бир кун эрталаб Исоқ хожи жиянига олиб бориб топшир деб, отни етаклашиб юборибди. Жиян (Собиржоннинг дадаси) отни олиб бориб топширай, деб эгар-жабдугини кўтариб қараса, отнинг белида бир қариш яғири бор экан... Шу тариқа амалдорлар Исоқ хожини қаттиқ газабга олишибди, кейинги

йилларга келиб ҳамма ака-укалар кулок килинади. Шундай килиб, Мазаид тартибнинг аждоди “коч-коч” даврларда (Собиржоннинг катта дадаси доим амиркон ковуш кияркан. Ёмгир ёгса мис тогорани бошига кийиб оларкан. Шундан бу одамни Мазаид тартиб дейишаркан) отилиб-чопилаб, ўзига колган мол-мулкни ҳам кизиллар тортиб олишиб, Эски Сузок махалласига кўчиб кетибди...

90 ёшга бориб вафот этган, иккинчи жахон уруши ногирони Абдулла ака Хўжамбердиев “коч-коч” махалларни шундай хотирлайди: “Отув бир хафта давом этди. Кўп одамлар Корадарёга, сойтол, тўкайзорларга кочишди. Уйларига эса ўт кўйиб юборишди...”

– Гузар томондан шовкин-сурон кўтарилиб, милтик, тўпларнинг овози эшитилди, – дея хикоя килган эди 1955 йилларда Мирзабой оксокол Олимкул ўгли Махкамбой акага. – Кандайдир олов сочувчи куроллардан ўт пуркашар, оломон “коч-коч”га тушиб колди. Уларнинг кочаётганларини кўриб, биз ҳам бола-бакрани олганча, Кўгартсой бўйлаб сойтол томонга кочдик. Орқада эса дод-вой килган овозлар, ўкларнинг карсиллаши тинмасди. Хар ким боши оккан томонга кочди. Бу ўша 17-йилда Сузокда бўлган энг фожиали кунлар эди. Кейин маълум бўлишича, давлат Сузокни кулини кўкка совуриб, ахолисини битта кўймай отиб ташлашга ҳукм килган экан. Бунга ҳам коникмай Окбошда ин курган “мужик”лар, харбий казак отрядлари Сузокни бир хафта давомида горат килишди. Кейин одамлар аста-секин ўз уй-жойларига, махаллаларига кайта бошлашди. Шахсан ўзим ёниб-кул бўлган уй-жойларимизни кўриб, кайтганимга пушаймон бўлдим. Аммо, бир ўзим эмасман, бола-чакам, хотин-халаж бор. Уларга караш керак. Ўша кочишда кўп одамлар сойтолда жон саклашган. Бозоркўргон томонларга кочганларни отлик “мужиклар”, казаклар адирлар ичида битта кўймай кириб ташлашганига гувоҳмиз. Уйларимиз тунука том эди. Тирик колганимизга шукр килиб кишгача тупрок том куриб, кириб олдик.

Мирзабой оксоколнинг “кишга ҳам кириб олдик” деганига кўра “коч-коч” махаллар 1917 йил бахор ойларида юз берган бўлса керак, деб тахмин киламиз. Ха, тахмин киламиз холос! Чунки халк хотирасида сакланиб колган ўша фожиали кунлар хужжатларда сакланмаган. Сакланса ҳам биз буни билмаймиз. Ўша пайтлар Андижон шахрида козилик килган Мирза Олим Мирза Толиб ўгли Жавхарийдан мерос колган бир шеърда шуларни ўқиймиз:

Биз мусулмонлардан ўн олтинчи йилда ҳукм ила
Борди аскар хизматига неча юз минг мардикор.

Бермаган жой турктозу жавр ила ўлди хароб,
Колди истибдод – зулм остида чўк шахру диёр.

Куйди масжидлар, иморатлар, бузилди хоналар,
Катл асру горат ўлди анда беҳадду шумор.

Ҳукмлар жорий ўлурди, дам-бадам бизларга ҳам,
Бош сунуб, лекин кабул айлар эдук чор-ночор.

Олинурди окча чўнтакдан, пичок эл ёнидан,
От-анжомини ҳам гар ўтса йўлдан бир сувор[7].

Албатта, шеърда келтирилган жабру зулмлар Сузокда ва Тўқмоқда юз берган “коч-коч” фожиаларига ҳам бевосита алоқадор.

1917 йилги “коч-коч” фожиаларига яна бир мисолни Сузоклик Камолиддин мисгарнинг 1960 йилларда биз ўша пайтдаги ёшларга айтиб берган хикояси ҳам тасдиқлайди, дейди Махкамбой Мирзобоев. Камолиддин аканинг Нажмиддин исмли ўгли бор. У узок йиллар Сузокдаги 2-мактабда физика фанидан дарс берди. Жуда дилкаш, самимий инсон эди. Хуллас, ўша Нажмиддин аканинг отаси Камолиддин мисгар бизга шуларни айтиб берган эди: “Ўша 17-йилги “коч-коч” кунлари теварак-атрофда тўс-тўполон бўлаётганини, казак харбийларининг одамларни кўзини пирпиратмай отаётганини эшитсам-да, устахонамдан чикмай ўтиравердим (устанинг дўкони Гузар бошида эди). Бунга сабаб “руслар темирчиларни хурмат қилишади” деган “миш-миш”лар қулогимга чалинганди. Шу важдан устахонамда кимирламай ишимни давом эттиравердим. Колаверса, Гузар бошидаги аҳолининг қочишга иложи қолмади. Отчопардан отилган замбараклар ўки тўппа-тўғри қелиб, шу ерда ёрилди. Бунинг устига казак аскарлари шундай Гузарбошининг тепасига қелиб, жойлашиб олишди. Аскарлар “темирчи”ларни отмайди деб хато қилган эканман. Бир пайт ишлаб турганим устига бир ўрис аскари қирдию милтигини менга тўғрилаб тепкисини босиб юборди. Аммо, милтик “чик” этди-ю, отилмади. Менга қараб, тепкини яна босди, яна отилмади. Мен эсам жойимдан кимирламасдан ишимни давом эттиравердим. Рус қазаги эса, афтидан, маст шекилли, доғдираганича ташқарига чиқиб кетди. У хатто милтигининг ўки тамом бўлганини ҳам сезмади. Мени эса Аллохнинг ўзи асради”.

Шу жойда Сузокда юз берган “коч-коч” фожиалари қачон ва қим томонидан содир этилгани масаласига аниқлик қиритиб ўтиш мавриди қелди, чоғи. Баъзи тадқиқотчилар “коч-коч” воқеаларини мардикор олишга қарши қаратилган кўзғолонлар билан боғлиқ дейишса, ўқитувчи И. Абдурахмонов “муқжик”ларнинг Жалолобод ҳудудига кўчириб қелтириш билан боғлиқ бўлган фикрларни айтади. Масалан, И.Абдурахмонов ўзининг “Сузоғим– қайнар булогим” мақоласида чор ҳуқумати аскарлари ўша “Оқбош” қишлоғи орқали Отчопарга қеладилар ва бу ерга тўпларни ўрнатиб, Сузокни тўппа тутадилар. Махаллий аҳоли ўз бошпанасини ташлаб, турли томонларга қочади. Баъзилари ўша “коч-коч”да қетган бўйича Сузокка қайтиб ҳам қелмайдилар[8] деб ёзади. Айни пайтда ушбу муаллиф ўз мақоласида “Нурилла Махсум ва унинг 300 нафар отлик йигитлари 5-6 ойгача Сузокка қизил аскарларни қиритмаганини”[9] ҳам ёзади.

Сузокдаги “коч-коч” воқеаларининг қачон ва қим томонидан содир этилганини журналист Тохиржон Ҳайруллаевнинг “Нурилла Махсум” қим бўлган: босмачими ё миллий қахрамон” тарихий очерқи аниқ очиб бергани билан ҳам аҳамиятлидир. “Инқилоб (1917 йилги Октябр тўнтариши назарда тутилмоқда – Ё.Ҳ.) қақида бирор нарса ўқиб, кўриб ёқи эшитиб қолсам, дарров кўз олдимда раҳматли опам – онаминг онаси Бадалбиби Мамарозик қизи гавдаланади. У зукко, оқила, ширинсухан ва энг муқими хотираси ўткир аёл эди... Унинг суҳбатларидан мен собиқ Шўро тузуми ва давлатига нисбатан эътироз ва айрим норозилик аломатларини сезиб, бунга қайрон бўлаверар

эдим. Айникса, Сузокнинг кизиллар томонидан уч кун отувга қўйилгани мени роса таажжубга солган...”[10]

“Сузок киргинининг илдишлари ўша вақтларда содир этилган Кўкон фожеаларига бориб қадамасмикан?” деб ёзади Т. Хайруллаев. Дарҳақиқат, тарихий маълумотларга кўра, кизил конхўрлар ўзларининг шум ниятларини 1918 йилда Кўконда дастлаб амалга оширадilar. Шўролар томонидан маҳаллийчилик ва миллатчилик тамгаси босилган “Кўкон мухторияти” деб ном олган “Туркистон мухторияти” конга ботирилди. “Дашнок цутюн” партияси аскарлари 1918 йил 5 февралда Кўкон шахрига ҳужум уюштириб, 180 та кишлокка ўт қўйганлар. Кўкон уч кун олов ичида қолиб, мингдан ортик туркистонликлар ўлдирилган экан[11].

Нақадар ўхшашлик. Демак, Сузокда икки марта киргин амалга оширилган. Биттаси 1916 йилги мардикор олиш билан, иккинчиси эса сузокликларнинг миллий-озодлик ҳаракатига қўшилиши оқибатида юз берган. Сузокдаги яна бир “қоч-қоч” фожеалари аҳолининг Шўро ҳокимиятини қабул қилмагани ва унга қарши Нурилла Махсум раҳбарлигидаги миллий ватанпарварларнинг кизилларга қарши қураши билан боғлиқ. Кизилларни бундай ёвузликларга Шўро ҳокимиятининг бевосита ўзи бошлагани ва бунга “оқ фотиҳа” бергани ҳақида ҳам маълумотлар тарихда мавжуд. Жумладан, “1921 йилда “Кизил Армиянинг босмачиларни тугатишдаги роли” номли қўлланмада (бу қўлланма Туркистон fronti жангчилари учун ҳаракат дастури бўлган): “Биз босмачилардан факат ерли аҳолини кириб ташлаш орқалигина қутуламиз” деб аниқ ва равшан ёзиб қўйилган. (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 1992 йил, 8-сон).

Чор маъмурлари ўтказган сиёсат, улар жорий этган “ахлоқ принциплари” большевикларники олдида ҳолва бўлиб қолди. Чор маъмурлари отган эди, чопган эди, босиб олган эди. Аммо, урф-одатлар, диний маросимлар, тўй-туркин, умуман, мусулмоннинг яшаш тарзларига қўп ҳам аралашмаганди. Большевиклар эса Макиавеллининг “давлатларни босиб олиш ва уларни бошқаришдаги ҳар уч тавсиясини” тўла ва ошириб бажаришга киришдилар. Биринчидан, совет ҳокимияти маҳаллий аҳолини давлат ишларидан четлаштирди. Зўравонлик сиёсати авжга чиқди. Маҳаллий халқлар руҳониятига бутунлай қарама-қарши бўлган коммунистик (худосизлик деб ўқи – муаллиф) мафқурани асос қилиб олган совет тузуми элу юртнинг миллий қадриятларини, эътиқодларини таҳқирлаш, зиёратгоҳларни вайрон қилиш, масжиду мадрасаларни бузиб ташлаш ёки улардан бутунлай бошқа мақсадларда фойдаланиш (қамокхона, ошхона, ўғитхона, аскарлар учун ётоқхона в.х.) одатий ҳол бўлиб қолди. Наинки, иқтисодий, ер ости қазилмалари, айна пайтда маданий-маънавий қадриятларимиз талон-тарож этилди. Юқсак ахлоқ ва маданиятга эга халқнинг руҳониятига, турмуш тарзига тажовуз бошланди.

Албатта, бундай гайриинсоний, гайридиний тажовузлар ҳеч қачон изсиз қетмаган. Бу сафар ҳам шундай бўлди: Қадим Туркистон замини азаматлари совет зўравонлигига қарши қўлига қурол олдилар... Совет “солномачилари; таъбирига кўра” Босмачилик “ҳаракати”, аслида эса “Миллий ватанпарварлик ҳаракати” Фарғонадан бошланди. Вилоятнинг Кўкон, Андижон, Ўш, Наманган, Ўзган, Новкат, Сузок қаби уёезд ва волостларида бошланган озодлик ҳаракати кейинроқ Тошкент, Сирдарё, Самарқанд ва

Бухоро, Хоразм, Сурхондарё каби бошка вилоятларда давом этди.

Мазкур ҳаракат тарихий нуктаи назардан узок давом этмади. Аммо ана шу қисқа муддатда Шўро зўравонларини саросимага тушириб қўйди. Уларнинг ўз ақлларини ростлаб олишга, маҳаллий халкларнинг ижтимоий, миллий, диний ва бошка қундалиқ урф-одатлари, анъаналарини ҳамма вақт ҳисобга олишга мажбур эканликларини кўрсатиб улгурди. Шундан бўлса керак, Кизил армиянинг Туркистон fronti қўмондони М.Фрунзе бу ҳақда қуйидаги фикрларни билдиргани бежиз эмас: "...Бу юртдаги Совет ҳокимияти илк тузилиш даврида рус ва ерли ишчи, дехкон оммасини ўзига тортиш ўрнига меҳнаткаш халқни ўзидан узоқлаштириш учун қўлидан келганча ҳаракат қилди. Ишлаб чиқаришни национализация қилинишида фақат буржуазиянинг мол-мулки эмас, балки ўртаҳол дехконларники ҳам тортиб олинди... Бу ерда ҳаракат қилган кизил аскар қисмлари, инкилобни ҳимоя қилган баъзи раҳбарлар туб аҳолининг манфаатлари билан ҳисоблашмадилар, унинг арзу додига қулоқ солмадилар. Босмачилик ҳаракати шу асосда вужудга келди. Босмачилар оддий қароқчилар эмас. Шундай бўлганда уларни тезда йўқотиш мумкин бўларди"[12].

Дарҳақиқат, бу ватанпарварлик ҳаракати, биринчи навбатда халқ ғам-аламига ҳамдардликдан тугилди. 1918 йил баҳоридан Фарғонада Мадаминбек, Марғилон атрофларида Шермухаммадбек, Омон полвон, Наманганда Раҳмонкул, Андижонда Парпи Қўрбоши, Қўкон атрофида Эргашлар, Ўзганда Жонибек қози, Новқотда Мухитдинбек, Сузукда Нурилла маҳсум, Мамасидик қўрбошилар миллий озодлик ҳаракатининг йўлбошчилари бўлишди.

Мазкур ватанпарварлар орасида тажрибали, юксак ҳарбий саркардалиқ истеъдодига эга бўлган Мадаминбек Аҳмадбек ўғли (1892-1920) орадан қўп вақт ўтмасданок водий қурашчилари сардорига айланади. Водий ҳудудидаги жангчилар Мадаминбекнинг Яшил байроғи (жами 25 минг кишилик аскар) остига бирлашиб, 1919 йилнинг январ-апрел ойларида Марғилон, Скобелев, Чуст, Наманган ва Қўкон атрофларидаги жангларда қўлиб келади. Ўша кезларда унинг муҳолифларидан бири: "Мадаминбек турли сиёсий оқимдаги кишиларни бирлаштира олди. Шунинг учун ҳам ҳеч қайси қўрбоши унингчалик қуч-қудратга эга бўлмаган эди", деб ёзган эди.

Советларнинг расмий ҳужжатларидан бирида таъкидланишича, "ўз олдига совет ҳокимиятини ағдариш ва Туркистон мухториятини тиклаш вазифасини қўйган" Мадаминбек тадбиркор сиёсатчи ва уддабурон ташкилотчилик фазилатларига эга эди. "У бизнинг раҳбарлик фаолиятимизда йўл қўйган ҳато ва камчиликларимиздан усталик билан фойдаланарди. Унинг ўз "бошқарув" аппарати, ўзининг "трибунали", ўзининг "генштаби" бўлган. У қонунлар чиқарган"[13], деб эътироф қилади Мадаминбекка қарши қурашган Граматович. Буни бошка қизил қўшин бошликлари ҳам тан олганлар.

1989 йилда Тошкентдаги "Ўзбекистон" нашриётида иккинчи марта тўлдирилган ва тўғрилانган ҳолда чоп этилган "Қўрбошилар, маузерни топшинг!" деб номланган тарихий-инкилобий романда шуларни ўқиймиз: "Минг тўққиз юз ўн саккизинчи йил октябри охирига қадар эди. Амир лашқарбоши Мадаминбек ўз қўрбошиларига Ҳазрати Айюб Пайгамбарнинг зиёратига бормокчи эканини билдирди. Бу хабар йигитларни ҳам,

11

Буларнинг ичида бир оз бўлса ҳам замонасига тушунган, халк олдида хурмати бор, ишончлиги ортган Мадаминбекни ўртадан кўтариш зарур бўлди. Қандайдирки, бу масалани курул кучи билан эмас, балки макр-хийла оркали хал қилишга киришганликдан тубандаги моддаларни қабул қилган бўлиб, у билан битим тузмиш эдилар:

Фаргона Мухториятини тасдиқлаш;

Шароитга караб ўн мингдан қирқ минггача Мадаминбек қўл остида миллий аскар сақлаш ва буларнинг қурол-яроқларини марказий ҳукумат томонидан таъминлаш;

Ўқув-ўқитув ишлари ерлик ҳукумат ихтиёрида бўлиб, ўз она тилларида юргизиш;

Мусулмонларнинг диний ва ўзаро даъво ички ишлари бутунлай ўз қўлларида бўлиш ва шариат буйругига амал қилиш.

Мана шулар каби эшитишга анча фойдалиқ кўринган ишлар билан қелишим тузилган сўнггида (1920 йил, 6 март – Ё.Х.) Мадаминбек Тошкентга чақирилади. Унинг қелиш ҳурмати учун чет давлатдан келаётган ҳукмдорларга қилгандек, қўчалар безатилган ҳолда тантана билан қарши олиниб, катта маросим ўтказилмиш эди. Буни кўрган мусулмонларнинг рухлари кўтарилиб, тарихий анъаналари кўзгалганликдан миллий овозлик умиди билан миллий ҳукуматларини эскармиш (эслаш) эдилар. Бундан фойдаланган Ватан босқинчилари ўзларининг олдиндан ўйлаб қўйган макр-хийлалик режаларини тезлик билан амалга ошириш сиёсатига киришди. Ўйк эса ҳар икки томон ризолигича тўхтам қилинган битим моддаларини халқаро қонун бўйича амалга оширишлари лозим эди.

Бунга қарамай бекка илтимос қилган бўлиб, Фарғонада қолган Қўршермат, Қолхўжа каби қўзғолончиларни ҳам Тошкентга қелтиришни унга тақлиф қилдилар. Бу ҳам “Улар менинг сўзимдан қикмайди” деб, ишонганликдан эҳтиёт йўлини ўйламай тўғри булар олдиға қелмишдир. Қолбуқи, макқорлар аллақачон ўз қўллари билан қуқурлар тайёрлаб қўймиш эдилар. Шундоққи, “Мана сизлар ишонган Мадаминбеқинглар қофирға қотилиб, ўз қойдаси учун сизларни тутиб бермоққи бўлди. Бу ишни бақариш вақифаси унга топширилмишдир. Ўқин орада қелиб қолса, шунға қараб қора қўриш қерак” деған қитна сўзларни тарқатиб, у онқсиз қора ботирларни ишонтириб турғани устиға, Мадаминбек ҳам қелмишдир. Ҳақикатдан ҳам қўқрак қериб от қопишдан бошқа ҳеч бир ишни билмаған, маслакқсиз қора ботирлар қўзлари унга тушиши биланок гақиртирмасдан “Қой, сен бизларни қофир болшевиклар қўлиға бермоққимисан?” – деб уни ўлдирадилар.

Мадаминбекнинг қизиллар билан битим тузғани сабабларини қўп ўйладим, деб қикрлашда давом этди Соғуний. Балқи бундай қолат ўзимнинг ҳам бошимдан ўтғанидан бўлса қерак, қўнғлимдан қўпғина иштибоқлар қечди. Қал бўлмаса бутун Фарғона водийқсини қўлға қиритған Мадаминбек нега бирдан қизиллар билан битим тузишға қелиб қолди?

ТАРИҚ. Мадаминбекни ҳам хиёнатлар синқирди. Дақтлаб ўзининг армияқсидағи рус мужиклари, қейин қарорғоҳидағи рус офицерлари ва, ниҳоят, мақаллий қўрбошилар унга қўп панд беришди. Бу ҳақда ёзувқи Алишер Ибодинов ўзининг “Қўрбоши Мадаминбек” (Тошқент, “Ёзувқи” нашриёти, 1993 й.) қисқасида шундай ёзади: “Анқижон қамалидан сўнғ Мадаминбек ҳаётида ҳудди Мирзо Бобур тақдиридағи бир воқеға ўхшаш (Бобур Самарқандни етти ой қамал қилиб Бойсунғур Мирзодан тортиб олади. Уч ой подшоқлик қилади. Бу орада қўпғина беклари ва лашқарлари Анқижонға қайтади. Анқижондан турли шум ҳабарлар қела бошлайди. Бу орада Бобур қаттиқ ҳасталанади. Бундан фойдаланған хиёнатқчилар Анқижонға “подшоқнинг оғзига сув томизилмоқда” деған гапларни етқазишади. Оқибат шундай бўладиқи, “Анқижон қўлда бўлса, “Самарқанд ҳам

бир куни кайта кўлга кирар” деган умид билан Бобур Самаркандни ташлаб Андижон сари йўлга тушади. Аммо Ҳўжандга етганда хабар келадики, хиёнатчилар Андижон дарвозаларини душманга очиб бермиш – муаллиф.) ходиса рўй беради. Мадаминбекнинг кўшинлари Андижондан чекиниб, Ўшга келаётган пайтда шаҳар ҳокимлари соткинлик йўлига ўтадилар. Шабаданинг қаёкка қараб эсаётганини дархол ҳис қилган генерал Алексеевнинг шотирлари иккиюзламачилик қилишди. Шу куни турмалардаги шўро раҳбарлари чиқарилди. Улар яна ўз жойларига қайтарилди. Ўш қалъасидаги дехконлар қалъани европалик қуролланган ишчиларга қолдириб, ўзлари қишлоқларига жўнаб кетишди. Мусулмонларнинг яқкам-дуккам қаршилиги тез синдирилди. Кечагина Мадаминбекни олқишлаган Ўш бугун уни совуқ назар билан, ўқлар ёғдириб кутиб олди. Армия изидан эса Соколовнинг қозон полки, Қўжелонинг отлик полки қувиб келарди. Икки ўт орасида қолган Мадаминбек Қалолободга чекинишга мажбур бўлади. Қалолобод йўлида дехконлар армиясининг қатта қисми қочиб, тарқалиб кетди. 30 сентябрда қонли жанглардан сўнг қизил қисмлар Қалолободни эгаллашди. Мадаминбек кўшинлари учун Қомир тоғларига чиқиб кетишдан ўзга илож қолмади. Қастда эса уруш туфайли қайролага айланган қудий шаҳарлари тутаб ётарди.

Айни ўша қунлари Андижонга ташриф буюрган Алиқон Тўра Қоғуний (қатнда шундай ёзилган – Ё.Ҳ.) Андижон жангидан сўнги шаҳар қўринишларини шундай хотирлаган эди: “Урганч қишлоқидан қиқиб, Андижонга қикинлашган қайин уруш аломатлари қўрина бошлади. Шундоққи, Андижон, Наманган қоездлари бутунлай тўхтатилган, темир йўллар бузилиб, станциялар қуйдирилган экан. Шу қабил аломатлар иқида қуриб ўлтирганимизча, омон-эсон Андижонга етдик. Шаҳар иқига қирғач қарасақ, бутун қўчаларда қувалиб-қочилиб ётган пахта тойлари ҳисобсиз эди. Сўрасақ, биз қелишдан уқ-тўрт қун илғари Мадаминбек шаҳарга ҳужум қилиб қирганида ҳар икки томон аскарлари тойпахталарни ўзларига қалқон қилиб отишган эканлар. Сўнгра буларни шаҳардан қикариш учун қалъага қамалган бўльшевик аскарлари томонидан отилган тўп-замбараклар зарбаларидан шаҳар ҳалқи, қонадон уйлари, бўзор-раста дўқонлари анчагина зарарланмишдир.

– Ҳа, ўша бўришда Мадаминбек бутун қудийни қўлга олар эди, – деб ўйга толди Қоғуний Андижон сафарини қайта эсларқан. – Аммо хиёнат... Хиёнатчининг қиллати бўлмаганидек, хиёнатнинг ҳам қатта-қичиги бўлмайди. Мадаминбекни Қолхўжа қўрбоши ўлдирган, деб эшитганман. Айтишларича, Қолхўжа бекка нисбатан тишини қайраб қураб экан. Мадаминбекнинг қизиллар номидан битимга қўшилишни тақлиф этиб музоқарага қелгани бир бақона бўлган, қолос. Шундоққи, Мадаминбек ўзининг бир қисм йигитлари билан Қалолободдаги қазрати Аюб (а.с.) қазратлари зиёратига бўрган пайтда Қонстровнинг дехқон армияси билан ўртада тузилган сулҳга қарамай, Қолхўжа Қалолобод қишлоқларини йигитларига талонга қўяди. Бундан қаттиқ жаҳли қикқан Мадаминбек Қолхўжани қайдоқ отга миндириб ўша ўзи талончилиқ қилган қишлоқлар бўйлаб сазойи қилдирган. Шундан ҳам билса бўладики, Мадаминбек адолатли қўмондан бўлиб, ўз қўрбошиларига талон-тарожлик, ўғирлик билан шуғулланишни таъқиқлаб қўйган. У бу ишни нафакат таъқиқлайди, айни пайтда бу ҳақдаги фармон жарқилар томонидан Фарқонанинг жанубий-шарқий қисмидаги Ислоқ қўшинлари қўмондони тасарруфидаги барча қишлоқларга тарқатилди. Қолхўжа қўмондоннинг ана шундай бўйруғига тупургани учун ҳам юқорида айтганимиздек қазоланади. Энди эса у қазабдан

тишини гижирлатиб, пайти келганда Мадаминбекдан ўч олишга касам ичди.

– Энди Мадаминбекнинг кизиллар билан битимга келишининг асосий сабаби шунда эдики, – деди юмиб бораётган кўзларини очиб Соғуний. – У узокни кўрган, мулохазали кўмондон эди. Андижон маглубияти уни кўп нарсаларни қайта ўйлаб кўришга ундади. Шаҳар учун бўлган жангларда Мадаминбек кўшини катта талофат кўрди. Ботирлар-ку ё шахид, ё гозий, деб жангга кирадилар. Аммо тинч аҳоли-чи? Унинг айби нимада? Андижон шаҳрининг, Кўкон шаҳрининг, юзлаб кишлокларнинг хонавайрон уй-жойлари, масжид-мадрасалар, бозорлар, расталар, энг дахшатлиси бегунох одамларнинг тўкилган конлари учун ким айбдор бўлади?! Буларнинг хунини ким тўлайди? Бу ёқда большевиклар харбий куч ва курул-яроклари, тўп-замбаракларини вагон-вагонлаб келтириб турибди. Шундай шароитда мен уларни енга оламанми?

Мадаминбекнинг кизиллар билан сулҳга келиши унинг юкоридаги саволларига жавоби бўлди. Бу жавобда ҳамма нарса: мужодаланинг оқибатидан кўркув ҳам, “балки...” деган иккиланиш ва рухоний бир ишонч ҳам мужассам эди. Албатта, Шаркий Туркистонда мен бошимдан кечирган воқеалар билан Мадаминбек шароити ўртасида фарқлар бор. Бизнинг шароитимизда советлар Иккинчи жаҳон урушини ютиб чиққан, қаршисидаги унча-бунча тўсиқларни бир чилпишда хал этадиган ҳолатда эди. Мадаминбек ҳаракат қилган большевикларнинг бошланғич даврида эса советлар бир жойда ютса, иккинчи жойда ютилиб турган ҳоллари ҳам бўлган. Мана шундай аҳволда Мадаминбекнинг сулҳ воситасида Туркистон Мухториятини сақлаб қолишга бир ишончи бўлганини тушуниш мумкин. Зотан, ҳамма ишлар Аллох иродаси билан ечилгусидир. Ўқиганим борки, Азроилдан қочган бир одамнинг аҳоли шундай кечибди:

Мен кўриб ногоҳ уни йўл устида,
Бир замон қолдим тараддуд остида.

Чунки ҳақ айтмишда: бир кун ўлуш бор,
Сенга Хиндистонда жон этгай нисор.

Ўйладим: олисда жон бергай ажаб,
Юз қаноти бўлса ҳам мушкул бу гап.

Бўйладир ушбу жаҳонда қилу қол,
Оқ қўзингни, бок жаҳонга ибрат ол.

Сен ўзингдан-қу қочолмасан аниқ,
Бас, нетиб ҳақдан қочарсан, эй рафиқ.

Яна бир мисолки, халқда шундай гап бор: айтсам ўлдирурлар, айтмасам ўлам...
Мадаминбекнинг ҳам... Менинг ҳам тақдиримиз ўшандай эди! Бу ерда фақат тақдири азалнинг қисмати қимга қачон битилганида фарқ қилади, ҳолос...

– Ақамни айтаман, Абдуллажон, – деди бир пайт Соғуний домла ҳамроҳига қайрилиб. –
Унинг ҳам бошидан кўп савдолар қечди. Булар ҳақида ёзаётган “Туркистон қайғуси”

китобимда кайд этиш ниятим бор.

Согуний домла Абдулла дўхтирга ана шулар хакида сўзлар экан, хаёлидан туткунликдан чикиб, Андижонга борганда акаси билан учрашиб килган суҳбатлари, Миллат мажлисининг тақдири сингари бир кур тарихларни эслади.

– Нихоят, зиндонбанд этилганимга ўн беш – йигирма кун деганда яна сўрокка чакиришди, – хаёлидан ўтказди Согуний.

– Жонингиз, уй-рўзгорингиз омон бўлишини истайсизми? – деди ковогини уюб ўша “давлат ёзувида” тушунтириш ёзишни талаб килган терговчи.

– Хар бир инсон дунёга келар экан, унинг келгусидаги бутун хаёти Лавхул махфуздаёк ёзиб кўйилган бўлади, – деб терговчига каради Согуний. – Шундай экан, жоним сизларнинг кўлингиздами-йўкми, бу Худодан. Сизлардан омонлик сўрасам ёки сўрамасам ҳам ёзугимда бўлса, Аллохнинг буюргани насиб этади...

– Сизнинг мурод-максадингиз нима ўзи? – деди бироз сукутдан сўнг Согунийга тик караб терговчи. – Бутун халк янги замонни олқишлаб турибди. Бирок сиз олиб бораётган ташвиқотлар бизнинг бугунги сиёсатимизга асло тўғри келмайди. Биз бугун ишчи-деҳконларнинг келажакда бахтли киладиган бир давлат куриш учун курашяпмиз. Хабарингиз бўлса, хар жой-хар жойда босмачилар бош кўтаришяпти. Бундан уч-тўрт йил олдин Хитойга кетганлар кайтиб келиб, яна ўз ер-сувларини кайтариб беришимизни талаб килишмоқда. Уларнинг жойларида эса давлатимизнинг марказидан кўчириб келтирилган рус казаклари ўтиришибди. Бу тўполонларнинг олдини олмасак, яна исёнлар чиқиши, бу ерларда ҳам жанубдагига ўхшаш босмачилар пайдо бўлиши мумкин. Мана шундай тўполонларнинг йўлини киркишимизда бизга ёрдам беришингиз керак!

– Мен шундок ҳам сизларга ёрдам беряпман, - деди махбус терговчининг кўзига тикилиб. – Ахир Владимир Ильичнинг “Миллатларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилашларига биз карши эмасмиз”, деган фикрларини эл орасида эскартиб, уларни тинч-тотувликда яшашга тарғиб этмоқдаман, Шунинг ўзи етарли эмасми? – кизишди Согуний. Лениннинг номи терговчини сергак торттирди.

– Бизда сизнинг мавжуд тузумга бўйсунмасликни тарғиб килаётганингиз хакида маълумотлар бор...

– Ха, мен бўйсунмасликни тарғиб килганман, лекин бу иш хозирда эмас, балки, иктидорга совет ҳукумати келмасидан олдин, чор ҳукумати сиз билан менга ўхшаган туркистонликларни мардикорга олган пайтда бўлган...

– Нима бўлганда ҳам, Сизнинг хар бир харакатингиз бизга маълум... Эҳтиёт бўлинг. Бугун эса сизни озод киламиз, – деди терговчи кўлимга камокдан бўшаганим хакидаги ҳужжатни тутказар экан.

...Айёрга айёр, шайтонга шайтон бўлишни, динимиз кайтармайди, деб хаёлга чўмди

Соғуний “Туркистон кайғуси” асари устида ишлар экан орадан йиллар ўтиб. Мени хибсга олишдан асл максадлари эса ўзларига шерик қилиш эканлигини яхши билганимдан кейин саволларига берган кескин-кескин жавобларим уларни довдиратди чоғи, бу ҳақда гап қайта кўзғолмай, озодликка чиқиб кетдим. Камокда ётган кунларим терговчига ён бермаганим ва биринчи галда Аллохнинг кудрати сабаб омон қолганим сўнгида камокдан чиқиб яна ўз ишимга машғул бўлдим. Яна камокка олинганимча дин тарғиботи, деҳқончилик, касалларни даволаш билан овундим. Андижонга сафар қилдим. Бу сафардан мақсад, Қўқон шаҳрида тузилмиш Миллат мажлиси (Туркистон Мухторияти – муаллиф) аъзоси бўлмиш акамиз Олимхонтўрадан хабар олиш эди. Мана бир қанча вақти, бу мажлис икки ой яшаб-яшамай қонга ботирилган сўнгида акамдан хабар тополмадик. Шунда ўзим уни изладим. Жигарчиликнинг иши қийин экан...

...Бир-биримиз билан юз қўришган окшом акамиз Олимхонтўра билан бошланган суҳбатимиз тонгга уланди. Шундайки, ўша пайтлари мусулмонларнинг энг аламли орзусини рўёбга чиқарган Туркистон Мухторияти ҳақида гапириш бутунлай ман этилган эди. Бу ҳақда сўзлаган одамнинг боши қундага қўйилиши ҳеч гап эмасди. Бир пайт қарасам, акамнинг кўзлари жикка ёшга тўлиб турибди:

– Алихон, укажоним, мана икки йилдан қўпроқ бўлдики, у эшикдан бу эшикка, у қариндошникидан бу қариндошникига қочиб юрибман. Баъзан ётар жойларим оғилхона, ўт-ҳашақлар орасида бўлди. Қўқондан Андижонга етганимга қадар она сутим оғзимга келди... Эшитдимки, Мустафо ога Мухториятимиз ағдарилгандан сўнг қандай омон қолгани ҳақида “Улуг Туркистон” газетасида ҳикоя қилибди. У кишим ҳозир чет ўлкага чиқиб кетмиш... Бу ерда сен билан бизга қийин. Қачонгача яшириниб юраман. Шуларни ўйласам, юрагим орқага тортади.

ТАРИХ. 1917 йил Феврал инқилоби романовлар тахтини улоқтириб ташлаганини айтмаса, Русияда бўлганидек, унинг чекка ўлкалари, хусусан Туркистонда тўй ўтиб, қулоқларда факат қарнай садоси қолгандек, гап бўлди ҳолос. Бу инқилобдан руслар билан бир қаторда бошқа миллатлар ҳам жуда катта ўзгаришларни қутган эди. Сирасини айтганда, бу инқилоб ўз изидан дарё-дарё қонларни етаклаб келди. Албатта, ҳар қандай қўтарилиш қурбонларсиз бўлмайди. Ўша Германия, Францияда юз берган инқилобларда ҳам қон тўқилган. Аммо Русиядагидек эмас... Бошқалар ўз инқилоблари орқали мамлакатларини фуқаровий давлатларга айлантириб олганларига бир аср ва ундан қўпроқ бўлгани баробарида Русия ва унинг собиқ мустамлакаларида ҳамон ур-йиқитлар давом этиб келяпти. Руслар “нуфузли жой бўш қолмайди” дейишади. Николай иккинчининг тахтини тез орада бош оёғига қонга беланган большевиклар эгаллаб олишди. Бунга Вақтли ҳукуматнинг иродасизлиги ва мамлакатни бошқаришга қобилиятсизлиги сабаб бўлди. Тўғри, қарнай-сурнай ва ногораларнинг овози мудраб ўтирган одамни сескантириб юборганидек, Феврал инқилоби русларни билмадигу, аммо чор Русияси ва хон, амирлар зулми остида гафлат босиб ётган туркистонликларни, хусусан, бу ўлкадаги ок-қорани таниган зиёлилар қаторида бошқаларни ҳам асрий уйқудан уйғотди. Шуниси ҳам шукр. Аҳмад Закий Тўғон бир жойда шундай дейди: “Бу инқилоб ойларида бир қунини ўтган даврларнинг йилларига тенглаштириш мумкин эди”. Аммо тўқилган қонлар-чи? Яшалмаган умрлар-чи? Шунча қурбонлар эвазига ўша беш-олти ойлик “саррин шабадалар”дан бошқа нимага эришилди? Балки, ҳокимиятга

большевиклар келмаганида бу даражада кўп кон тўкилмасмиди? Балки... Аммо ўша Феврал инкилоби кунларида Кўкондаги ўқитувчилар уюшмаси раиси Л.Н. Некора деган жанобнинг сўзлари ҳам тарихда мухрланиб қолган экан: “Инкилобни рус инкилобчилари, рус ишчилари, рус солдатлари амалга оширдилар. Шу боис Туркистонда бошқарув ва ҳокимият биз — русларга тегишлидир. Маҳаллий аҳоли эса биз уларга нимани берсак, ўшанга шукр қилишлари керак!” Феврал инкилобчиларининг ҳам октябр инкилобчиларининг ҳам йўли айнан мана шу сўзларда ифодаланди. Ростдан ҳам токи “СССР” деган мустабид тузум куламуғунга қадар бир пайтлар ялакат мамлакат бўлган Туркистонга ҳеч қандай ҳуқуқ, эркинлик берилмади. Амирнинг олтинларидан тортиб Мирзачўлнинг пахтасигача Русия ичкарисига ташиб кетилди. Бу тузум кулаган кундан бошлаб эса ўша парчаланган Туркистон заминиди миллатлараро, аслида бир миллат — мусулмон миллати ўртасида яна дарё-дарё кон оқа бошлади... Халқнинг хуррам кунлари ҳам бўлганми? деб савол беради кимдир ичимда. Зулм остида яшаган одамнинг хуррам кунни тугилганда ва бу дунёни ташлаб кетганидагина бўлмасмиди?!

— Акам Олимхонтўранинг руҳи жуда ҳам тушқун эди, — деб ҳаёлга толади Соғуний. — Бўлмаса акамиз жуда ориятли, мағрур киши бўлган. Нахот, бўлиб ўтган воқеалар унинг иродасини синдирган? Олимхонтўра акамиз Туркистон Мухториятининг Миллат мажлиси аъзолигига Еттисувдан сайланган эдилар. Ўша пайтларда бу ўлкада халқ билан Муваққат ҳукумат ўртасида турли зиддиятлар ҳам чиққанки, Олимхонтўра бу воқеаларнинг бевосита шоҳиди бўлиб ва халқ тарафида ҳаракат қилган. Шу боис ҳам Еттисув халқи ўзининг диний арбобини янги тузилажак ҳақиқий халқ ҳокимияти — Туркистон Мухториятига ўз номидан вакил этиб Кўконга йўллаган. Шундайки, 1916 йилги “Уркун” воқеасида ўз ватанларини ташлаб тоғу тошларга, асосан Хитойнинг Шинжон ўлкасига кетган одамлар ўз жойларига қайтиб кела бошлайди. Жумладан, Хитойдан келаётган қирғизларни уларнинг уй-жой, ер-сувларини эгаллаб олган “муҳжир”лар ўз ерларига қиритмайди. Оқибатда ўртада қатта жанжаллар қўпиб, ур-йиқитлар бошланади. Тарихий маълумотларга кўра, бу масала Вактли ҳукуматнинг Тошкентдаги Туркқўмитаси томонидан қўриб чиқилиб, бу қочоқларнинг, яъни Уркунда ватандан чиқиб кетган қирғиз ва бошқа миллат вакиллари Пржевальский ҳамда Пишпек уездига қиритмаслик ва уларни яйдоқ, тошлоқ ерларга жойлаштириш ҳақида қарор қабул қилинади... Шунингдек россиялик мусулмонлар ҳам газабланганлари ҳақида ўша пайтлари қўп ёзилган. Акамиз Олимхонтўра ана шундай қалтис пайтларда халқнинг томониди туриб, уни ҳимоя қилганини яқин-яқинларгача ҳам она юртимиз Тўқмоқда, унинг атроф шаҳар ва қишлоқларига борганимизда қариялар сўзлаб беришар эди, ўйлайди Соғуний. Ана шундай оғир қамларни бошдан кечирган одам мана бугун бошини ҳам қилиб ўтирибди... Бу совет қаллодларига ҳам жисмонан, ҳам руҳан бас қеладиған шахс топилаармикан, ўзи?! Эй Худо, уларнинг жазосини ўзинг бергайсан! Бу шайтонлар қанча-қанча ориятли, боши осмон қадар юксак одамларнинг ҳолини забун қилмади дейсиз?! Қанча-қанча ман-ман деган сиёсатчилар, олимлар, уламолар уларнинг шаштига тоб беролмадилар. Ўзларининг йўлига солиб юборишди. Шайтоннинг йўлидан Ўзи асрасин!..

— Ака-ука ўртаимиздаги сукут узок чўзилди, — деб эслайди Соғуний. Бир пайт акам сўз айтишга турди.

– Сиз кочкинда эдингиз. Феврал инкилоби амалга ошгандан кўп ўтмаёк Тошкентда ҳам, бошқа жойларда, хусусан бизнинг Чуй водийси, Еттисувда ҳам кишиларни битта масала, мамлакат бошқаруви масаласи кизиктириб қолди. Марказий Вактли ҳукумат дастлаб Турккўмитани тузди. Макур кўмитага раис бўлганларнинг барчаси руслардан эди. То болшевикларнинг давлат тўнтариши юз берган октябр ойигача ўтган муддатда Туркистонга ва Русиянинг бошқа мустамлакаларига Мухторият бериш ҳақида кўп гапирилди. Аммо курук сўздан нарига ўтилмади. Албатта мусулмонларнинг турли ташкилотлари, қасаба иттифоклари тузилди. Лекин булар ҳокимият эмас эди. Хатто “Шўро Исломия” ҳам ҳукумат эмас эди. Ҳукумат аслида Феврал инкилобидан кейин ҳам чор маъмурларини алмаштирган янги русларнинг кўлида қолаверди. Бу воқеалар кўпроқ Тошкентга алоқадор. Еттисув, Чуй водийси қаби чет вилоятларда эса халқни ҳамон ўша чор маъмурлари бошқариб келарди. Чунки, бу ерларга йиллар мобайнида Русиядан кўчириб келтирилган рус мужиклари ҳамма нарсга эгадорлик қилшарди...

Мусулмонларнинг масжидда намоз ўқишдан бошқа нарсга ҳақлари қолмаганди. Мана шундай шароитда, 1916 йилда юртни ташлаб Хитой ва бошқа жойларга кетганлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб қайта бошлашди. Уларнинг қаторига мардикорликдан қайтган, Сибир ва Русиянинг бошқа жойларига сургун қилинган одамлар қўшилди. Яна ур-тўполонлар бошланди. Турккўмита томонидан воқеани ўрганишга борганлар ҳақиқат қилишмади. Вактли ҳукумат юртга қайтганларни ўз ота-боболари яшаб келган заминга қўймасликка қарор қилди... Мусулмоннинг масжиддан бошқа арз қилиб борадиган жойи йўқ эди. Мен ўшанда Тўқмоқда имом эдим. Бу воқеаларнинг ҳаммасига бевосита шохидман. Жонидан тўйган кишилар қирғиз отлиқларининг қаноҳида Пишпекка юриш қилишди... Пишпек албатта қону қонидан айрилган оломонни қучоқ очиб қутиб олгани йўқ... Яна қон тўқилди... Қишини қайрон қолдирадиган ҳолат шу эдики, болшевиклар зўр бериб қаратмоқчи бўлган ишчилар қинфи Туркистонда йўқ эди. Бу ерда қойлар ва қамбағал қехқонлар, эшон ва қурид, қиҳоят уларнинг қаммаларини эзиб ётган чор маъмурлари қор эди, қолос... Болшевиклар эса мана шундай шароитда бу ерга ўзларининг қасқаларини қикиштириб, зўрлик қилан ишқи диктатурасини ўрнатишди. Бу қасқал Туркистон қалқининг қабиятига қид қасқал эди. Асрлар қобайнида Иқлом қини ақидалари ақосида тарбияланган қишилар авлоқини аллақандай “Шўро демократияси” ақосида қашашга қажбур қилиб бўлмас эди. Уларни кўпроқ ва қиринқи қавбатда чор Русияси қулқидан қандай қалос бўлиш қасқаласи қизиктирар эди. Қирасини айтганда, қабрқийда Туркистон 50 йилдан қери чор Русияси ҳуқуқати қўли оқтида қашаб қелмоқда. Бу ҳукумат ерли ақоқининг қиний, қиллий қуд ишларига қарров аралашқаса-да, аста-қеқин ўлка қаётининг қарча қабқаларига қўл қўзиб, қангалларига олишди. Феврал инкилобидан сўнг Туркистон қалқи энди оқодлиққа эришқик, қеб қурсанд бўлганди. Болшевиклар ҳокимият теқасига қелгандан сўнг, қудлиқ қилан Мухторият эълон қиларқиш, қеб қизга уқтиришди. Қайли, болшевикларнинг қам Мухториятини қўрарқиз, ақар ўшангача омон бўлқас, қеқин улар турқий мусулмонлар ўзларининг қиний, қиллий ҳуқуқларини қиқоя қилиш уқун энди ўлимдан қўрқмаслиқларини унутмасинлар... Мен бу қапларимқи 1917 йилнинг 26-29 қоябр қунлари Қўқон шақрида бўлиб ўтган ўлка мусулмонларининг қавқулоқда IV қурулқойи қинқаридан туриб қам айтганман. Ўша қурулқойда қир қатор қиний арқоблар қаторида мен қам Туркистон Мухториятининг қиллат қажлиси аъзоқизига қайландим. Шуни айтиш қераққи, Туркистон қалқининг орзу-қумидларини иқода этган ана шу ҳукуматнинг иқида қам қирлиқ йўқ эди. Ҳукуматнинг қир қанотида “Уламо” ўтирган бўлса, иққинқи қанотини

болшевикларга карши бўлган чор армиясининг зобитлари ва айрим зодагонлар эгаллаган эди. Махмудхўжа Бехбудий, Мустафо Чўкаев, Мухаммаджон Тинишбоев каби Мухториятнинг хакикий жонкуярларининг эса оташин сўзлари ва фидойи жонларидан бошка ҳеч нарсалари йўқ эди. Аслида Мухториятни ана шу кишилар олиб келишди. Халк уларга ишониб Мухториятни кўллаб-куватлади. У роппа-роса олтмиш кун яшади... Мухтор ҳокимиятнинг канотларида ўзаро келишмовчиликлар кучайди. Албатта, Тошкентда ўтириб олган болшевиклар ҳокимияти ҳам тек ўтиргани йўқ. Зотан улар шайтоннинг болалари эди... Кадетлар ва меншевиклар каби ўнг социалистлар амалга оширган Феврал инкилобини орадан тўккиз ой ўтиб-ўтмай четга суриб, тахтга ўзлари чикиб олишди. Миллат мажлиси аъзоларининг ҳар бир йигилишлари баҳс-мунозара билан ўтар, аммо хазинада пул эмас, балки хазинанинг ўзи йўқ эди. Чикарилган заёмдан ва бошка ионалардан тушган маблаг “Бирлик туги” ва “Свободный Туркистон” газеталарининг ўзидан ортмасди. Бу ёқда икки мингга якин Миллий армия аскарлари ҳам юкоридаги каби ионаларга кўз тикиб ўтирарди. Бу орада Кўкон ишчи, аскар ва дехконлар шўроси билан Мухториятчилар ўртасидаги тортишувлар кескинлашди. Январ оyi охирида айрим игвогарлар томонидан шўролар ўтирган бинога хужум уюштирилди. Албатта, бундай игвогарликларни болшевикларнинг ўзлари, уруш килиш баҳонасида уюштирдилар. Аммо... Мухторият ичидаги уламо ва окларнинг ҳам тек ўтирганига шубҳам бор. Тўғри, булар хакида батафсил гапиришнинг ҳозир мавруди эмас. Мен жуда чарчадим... Бир миллат ўртасидаги тушунмовчиликлардан, ихтилофлардан, илмсизлик, мансабпарастлик каби кусурларимиздан чарчадим. Биласизми, ука, Мухториятни болшевиклардан саклаб қолиш мумкин эди. Уни ўзимиз, ўз ичимиздаги ихтилофлар, жохиллик синдирди. Агдариб, ер билан яксон килди... Мана, сиз айтяпсиз, кашкарликлар орасидаги жохиллик, билимсизликни кўриб руҳим эзилди, деб. Бу ерда жаҳолат Кашгардагидан ўн чандон баланд. Уламанинг ўзи халкни кўриклашга даъват этиб, Кўкон милициясига бошлик этиб тайинлаган Эргаш ўзини “хон” деб эълон этди. Бу ишни ким килди? Мухториятнинг ўнг канотими ёки сўл канотими? Ёки болшевикларми? Билмайман, билмайман...

– Акамнинг кўзларида ёш милтиради, – деб эслайди Соғуний акаси билан бўлган ўша суҳбатни. Шу дакикаларда унинг кўз олдидан “Улуг Туркистон” газетасида Мустафо Чўкайнинг кечмишлари хакида ўкиганлари ўтди:

“Хўкондда бўлгон воқеанинг сиёсий сабабларининг бошдан-оёқ ёзувини ҳозирги замон кўтармайди, – деб бошлаган эди Мустафо ога ўз мақоласини. – Мен болшевиклар кувгинидан кочиб, Хўканд теғрасидаги кишлоқларда сартия кардошларимиз орасида беш-ўн кун юрдим. Шу озгина муддатда чеккан жабру-жафоларимни, душман бўлсалар-да, Худои таоло болшевик-ларнинг ҳам бошига солмасин.

Эргаш сартлар тарафиндан Хўканднинг эски шахрига сайлаб кўйилган кўрбоши эди. Бу одам авваллари ҳам ўғриларга бош бўлиб юрарди. Хуллас, шу кимса бош бўлиб, Хўканд сартлари болшевиклар билан уруш бошлагач, “енгиламиниз” деган сўзни эсларига келтирмадилар. Шунинг учун “Энди сарт замони келди! Эргашни хон этаминиз! Фарғонада сартлардан бошканинг жонини оламиниз. Козок билан болшевикларнинг фарқи йўқ. Нўғой бўлса, мусулмон эмас! Хўкандда битта нўғой муаллимнинг оёғини киблага узатиб ухлаб ётганини кўрдик!” дейишиб, кишлоқ ёшлари сартлардан бошка халкларнинг барини

ўлдирмок ниятида кўлларига болта, пичок, чўт, кетмон, ўрок, аркон, занжир олишиб тўдалашиб юрдилар. Болшевиклардан кочиб, мусулмон ога-инимиз деб ана шу халк орасига кирдим...”. Шундай килиб Мустафо Чўкай афанди Кўкон атрофидаги Говхона, Кумбосди, Илож каби кишлоклар оралаб борар экан, сал бўлмаса ўлиб кетишига оз колгани хакида ёзиб, “...Дўст этиб хизмат этарга тутинган халкимдан душманлик кўрганим кўнглимга хафалик солди. Шундай бўлса-да, Кумбосдидан бошка ерни, бошка элни кўрмаган авомнинг килган ёмонликларини сарт халкининг устига юклашни истамайман” деган эди ўз вақтида Туркистоннинг асл фарзанди Мустафо Чўкай. Аллох уни раҳмат килсин.

– Кўриниб турибдики, – фикрлашда давом этди Соғуний. – Туркистон Мухториятини гарчи, болшевикларнинг тазйиқи кучайиб, Мухтор ҳукумат ҳар томондан қисувга олинган бўлса-да, уни ўзининг одамлари – уламо йикитган. Йикитганни тепиш эса марднинг иши эмас эди... Шундай воқеа юз берадики, ўнг канот ва сўл канотга кирмаган, Мухториятдан халкнинг озодлиги, эркидан бошка манфаати бўлмаган хақиқий мухториятчилар болшевиклардан кочиб Эргашни хон кўтарган мутаассиб оломон қазабига дучор бўладилар...

ТАРИХ. “Мустафо билан мен 1913 йилда Фарғонага килган илмий сафарим чоғида танишган эдим, – деб ёзади Аҳмад Заки Валидий Тўгон ўз хотираларида. – Ўша вақтда у Тошкентдаги рус лицейида таҳсил олар эди. Кейинчалик Петербург университетиди ўкиб юрган даврларида ҳам учрашиб турдик. Отаси Сирдарё кипчок уруги козокларидан бўлиб, Кўкон хони хизматида додхох (Козихоналарни назорат қилувчи амалдор) рутбасида бўлган. Ўтган аср ўртасида чор Русияси бу ерларни босиб олгач, генерал Перовскийнинг хизматида кирган, рус тилини ўрганган ва кейинчалик таржимонлик килган бир киши эди. Унинг оиласи Кўкон хонлиги даврида ўзбекларнинг улугларига, кейин рус даврида эса дворянларга яқин бўлган... 1916 йилда мен Думанинг мусулмон фракциясига Уфадан, Мустафо эса Сирдарё вилоятидан аъзо этиб сайлангандик. У кадет партияси аъзоси бўлишига қарамасдан доим мен билан ҳамфикр эди. 1917 йил инқилобидан сўнг Кўкон Мухторияти ҳаракатида кўшилди. 1918 йил бошида Кўкон шўро тарафидан ишғол этилгач, Мустафо кочиб Тошкентга келди. Тошкентда кадет партиясидан бир рус зобитининг уйида бўлиб, хотини билан Тўғай йўли орқали бизнинг Юрматидаги уйимизга келди, кейин Оренбургга кетди. Мана энди Парижда бизни меҳмон қилмоқда. Унинг Мария Яковлевна исмли аёли билан бизнинг Тимасдаги учрашувимиздан буён орамиз яхши эди. Улар аввал бизниқига келиб, кейин Афғонистонга ўтишни маъқул кўришди.

Мустафо билан уч кун (Парижда) суҳбатлашдик. Мустафо қамбағал эди. Милюков ва Керенскийнинг газеталарига ёзган мақолалари ҳисобидан тирикчилик ўтказарди”.

– Полшалик юрист Огаевни айтмайсизми ука, – деди бир пайт Олимхонтўра Соғунийга қараб. – Ўзингиз биласиз, чор ҳукумати йикитган сўнгида Польша ва бошка Болтиқбўйи миллатлари тез бирлашдилар. Қаранг, ўша Огаев нима деганди: “Шундайки, ўзим насронийлар ичида ўсган мусулмонман. – Юртимда сезмаган эдим, аммо бу ерга келиб билдимки, мусулмонлар ўртасида бирдамлик йўқ экан...”

Акасининг ана шу айтганларини “Туркистон кайгуси” устида эслар экан, Соғунийнинг хаёлидан Аҳмад калла[14] ўтди. У мана бундай деган эди: “Хасадгўйлик, кўролмаслик, иттифоксизлик, такаббурлик каби бузук, ярамас ишлар бошкаларга караганда мусулмонлар ичида кўпроқдир. Кофир ахллариининг иттифоклари уларнинг бир-бирларига килган ёрдамлари, шунга ўхшаш бир канча яхшилик ишлари борки, уларнинг ўндан бирини ҳам мусулмон номини олганлар кила олмайдилар. Масалан, улардан биронталари касб килишдан ожиз бўлиб, мухтожликда колса унинг гадолик килишига йўл қўймай, дархол ўша одамга етарли даражада моддий ёрдам киладилар ва хоказо. Агар тижоратидан зиён кўрса камчиликларини тўлдириб, сармоя ва касб асбобларини тайёрлаб, муфлисликка (кашшокликка) тушишидан уни куткарадилар. Агар сафар йўлдоши йўл устида касалланиб колар экан, тузалгунча ёки уйига етиб олгунча у билан бирга борадилар. Ана энди мусулмон деган кишиларга каранг! Мусулмонларда шундай одамлар борки, сафарда йўлдошининг жони бўғзига келганда ҳам унинг томоғига бир катра сув томизгиси келмайди; касбдан ожиз колганларга ёрдам килиб, гадоликдан куткаришни эса хаёлларига ҳам келтирмайди. Агарда биров тижорат ишларида синар экан, ажаб бўпти, дейди ва “ўзи шундай бўлиши керак эди” деб маломат ҳам килади. Шунингдек, ҳоким ва амалдорларнинг жабр-зулмлари, ўлим-етимнинг кўплиги, касб ва тижоратнинг зиёнга учраши, бир-бирларига дўстлик ва иттифокликнинг йўқлиги, мана шунга ўхшаш ва офат–балолар бошкаларга караганда мусулмонларда кўпроқдур”.

– Акам Олимхонтўра ўша ўлка мусулмонларининг курултойида “Майли, болшевикларнинг ҳам Мухториятини кўрармиз, агар ўшангача омон бўлсак, лекин улар туркий мусулмонлар ўзларининг диний, миллий ҳуқуқларини химоя килиш учун энди ўлимдан кўркмасликларини унутмасинлар...” деганида бир нарсани, уларнинг Огаев айтган интифоксизлигини, Аҳмад калла огохлантирган таркоклигини, хасадгўйлигини ва энг-фожиали томони такаббурлигини ҳисобга олмаган эди, – деб фикрлашда давом этади Соғуний – Мухториятни кўллаб-кувватлашга даъват этилган “Шўрои исломия”, шу ташкилот томонидан Кўкон милициясига бошлик этиб тайинланган Эргаш кўрбоши ана шу юкорида айтганимиз биргина польяк мусулмони Огаевдан ўрнат олсалар эди... Бу одам бизим Туркистонга не учун келган эди? Сайру-саёхат билан келмаган эди-ку! Ўзининг юртида бўлганидек, мусулмон ўлкаларда ҳам Хуррият бўлишини истади. Бунга тушуниб ҳақ талаб килувчи ва ҳам бу ишни бошқарувчи бизнинг Туркистонимизда кишилар камлигини билган чет эллардаги мусулмон зиёлиларининг диний ҳислари кўзғалиб, Туркистонда кардошларининг биринчи мартаба янгидан курилаётган ёш давлатларига ёрдам етказиш учун у кишини юбормиш эдилар. Ўзи юрист бўлиб, чор ҳукуматига карши мусулмон полякларининг миллий инкилобчиларидан эди. Хўкандга келиши биланок оз-кўп тушунган кишилар буни такдирлаб, янги курилаётган миллий Мухторият ҳукумати раисининг ўринбосари этиб сайламиш эдилар. Огаев Туркистонга ана шундай улуг мақсад билан келган эди. Бу киши бутун ишларни тартибга солиб эндигина ишга киришаётган чоғида дастлаб мутаассиб уламоларнинг фатвоси билан давлат тўнтариши ясаган Эргаш кўрбоши, бир кун ўтиб эса болшевикларнинг катагонига учради. Эргаш бир кунгина хон бўлди, холос. Ана шу бир кунлик “хон” юз йиллар мобайнида хон ва амирлар, кейин эса чор ҳукумати зулмидан бағри кон бўлган авлодларнинг орзу-истакларини чиппакка чикарди. Мутаассиб оломонни ва энг дахшатлиси бир бурда нон ташвишида ойларни йилларга, эртани кечга улаётган тинч аҳолини болшевиклар, армани дашноқлар,

рус казакларининг киргинига дучор этди. Мухториятнинг кочишга улгурган аъзолари кочди, улгуролмаганлари кўлга тушди. Ана шу бахтсизларга ёрдам бериш учун оиласи, Ватани, балки бутун бахти-тахтидан воз кечиб келган Огаев кардошимиз ерлик бахтсизлар каторида кафасга солиниб, бизнинг озодлигимиз йўлида курбон бўлди...

– Маслак йўлида курбон бўлганларнинг ўлик-тириги бўлмайди, – деб ўйлашда давом этди Соғуний. – Вактеки, ўлганлари тирикларидан шарафли бўлгай. Оллох таоло ва таборак ўзининг каломи билан шундай дейди: “...Кимки бирон жонни ўлдирмаган ва ерда бузгунчилик қилмаган одамни ўлдирса, демак, гўё барча одамларни ўлдирибди ва кимки унга ҳаёт ато этса (яъни ўлдиришдан бош тортса) демак гўё барча одамларга ҳаёт ато этибди...” Мазкур оят Куръонда келган Кобил ва Хобил кассасига алоқадор бўлиб, Ислоннинг инсонпарварлиги назарда тутилади.

Кизил болшевиклар эса битта одамни эмас, минглаб, юз минглаб гуноҳсиз кишиларни ўлдирдилар. Акамнинг сўзига караганда, болшевик-ларнинг вахшийлик маслагидан Огаевнинг хабари йўқ бўлиши керак.

Бутун дунё бўйлаб ҳар ердаги инсонлар ўз ҳуқуқларига эришаётган XX аср даврида ўтган вахшийларча отиш-чопиш билангина иш олиб бормасалар керак, булар билан кўришиб сўзлашайликчи, мақсадлари нимадур? Уни билайлик”, деб юристлик қилиб, ҳуқуқшунослик йўли билан бу йирткичларга сўз ўтказмокчи бўлиб, кўлга тушмишдир. Йўқ эса, бошқа жон кутказган “ботир”лар каби фурсатдан фойдаланса, қочиб қутилиши мумкин эди.

Бу қахрамон кўлга олингандан сўнгра шундайин хорлик, зулм остида туришдан ўлимни ортиқ кўриб, очлик билдирмишки, бу каби энг сўнги дахшатлик чорадан инсоният оламида фойда бериши қутилур эди. Булар олдида эътиборсиз бўлганликдан ўн беш кунлаб оч қолдирилмишдур. Акли озиб, ўлар холга келганда бошқа ёкка олиб кетганлар. Ундан кейинги тақдири номаълумдир...

Туркистон тарихида бу болшевик деганларнинг, Ленин ва Сталин деганларнинг сийратига, сўз алдовига лакка тушган чет эллик диндошларимиздан Огаевдан ташқари Анвар пошо, Аҳмад Заки Валидий Тўгон ва бошқа минглаб қалблари Куръонда келган Хобилникидек пок инсонлар бор эдики, ҳаммалари болшевиклар кўлидан ўлим топдилар ёки қочиб қутулдилар. Туркистоннинг мангулик орзуси – мустақиллигини елкасида кўтаришга чоғланган Хўканд эса вайронага айлантирилди. Хом лойдан ясалган тандирдан чиккан Хўканднинг янги хони Эргаш болшевикларнинг бир ҳамласига ҳам дош беролмади... Хонликни даъво қилиб шаҳарга ўзи томонидан қорлаб келтирган қипчок жангариларидан аввалроқ қочиб қолди. Шундай бўлдики, болшевиклар мусулмонларнинг энг кекчил душманлари саналган арманилардан тўпланган аскарларни тўлиқ қуроллантириб, халқ устига келтирдилар. Буларнинг бошчи кўмондонлари эса турк қонига чанкаган, қоничгич Дашноқ фиркасининг аъзолари бўлганликдан Хўканд шаҳри устида қўрсатган вахшийликлари ўрта аср йирткичларидан Чингиз дахшатларини унуттирмиш эди. Онгсиз халқ буни унутган бўлсалар ҳам, душман суккан найзаларнинг зарбаларидан юраклари парчаланмиш, кўз қонлари билан қўнғил сахиқаларига дахшатли зулм хатларини ёзмиш тарихчилар бу каби фожиаларни ҳеч қачон

унутмайдилар. Гарчи, кимки ёзув ва китобат йўлини танларкан тазйик ҳамда ёмон отликка чиқарилсаларда, биз ҳам болшевикларнинг бундай вахшийликларини ёзмасдан тура олмадик. Халк кўзини кўрkitиб, уларга дахшат солиш учун, бир томондан отиш-чопиш бошланган бўлса, иккинчи ёқдан замбараклардан тўп отиб, ўт кўйиб, бутун шаҳарни куйдирмиш эдилар. Бу воқеадан беш-олти йил кейин Хўкандга борганимизда бузилиб, вайрон-талкони чиққан кўп иморатларни, куйдирилган бозор расталари ўрнида тўдаланиб ётган ҳисобсиз култепаларни кўзимиз кўрди.

Ана шу тарика, бир аллома айтганидек, “инсонлиги, яшаш ҳукуки паймол этилган халк ноилож кўзголдди. Халк ўз холича кўзголдди. Агар Эргаш хонлик даъвосида, атрофига ўзига ўхшаган азалдан карокчилик килиб келган кишилар билан болшевикларга қарши жанг қилган бўлса, энди халкни ҳеч ким бошқармади. Ўз орасидан ўзига бошлик сайлади. Аммо бошликлар ҳам авом эди. Улар қаён боришни ҳам, кимга қўшилишни ҳам билмасдилар. Юртни ташлаб муҳожирликка кетишни эса ҳаёлларига келтирмасдилар. Чунки улар ўз тоғларидан, кишлокларидан бошқа жойларда яшаш мумкинлигини тасаввурларига сигдирилмасдилар”. Ўз динини ва шу асосда тили, маданияти ва инсонийлик шаънини саклаш учун ҳижрат ҳам Пайгамбаримиз (с.а.в.)дан қолган суннат эканини гўё унутган эдилар.

Соғуний ҳаёллар оғушида экан, ақаси айтган Исоқхўжа Саидхўжа исмли халк кўрбошисининг ўз оғасига ёзган мактубини эслади:

“Зоти олийлари! – деб бошланади ўша мактуб. – Биз охири марта суҳбатлашганимиздан бери ҳам кўп вақт ўтгани йўқ. Лекин биз бу орада учинчи, тўртинчи, бешинчи бўлинмаларга қарши жанг қилдик. Худога шукр, биз бу жангларда туриб бердик. Ислоҳ албатта қолиб бўлажак! Иқроқ бўлиш лозимки, жанг ниҳоятда қизгин бўлди. Ажабки, биз душманлар сафида миллий ҳукуматимизнинг бир нечта аъзосини кўрдик (Ғап Бухоро миллий ҳукумати ҳақида қетяпти – Ё.Х.). Улар душман тарафида туриб бизга қарши жанг қилди. Душман бизни бутунлай махв этмок ниятида эди. Лекин биз бардош бердик, улар бизни махв этолмадилар. Тўғри, биз қолдан қойдик, сафимизда парокандалик ҳам бўлди. Аммо ҳаммасига қидадик.

Шу йил зулкаъда ойининг ўн бешинчи қунидан эътиборан душман Ёскиж, Қухун, Дахона, Хўжачихил, Дашт кишлокларини қалон-қарож қилишга қиришди. Улар қол-қўйларни ҳайдаб, қўлига илинган қарсани олиб қетишяпти.

Ҳисор қуманидаги бир кишлокдан нуфўзли оилалардан тўрт-бештадан асар олишяпти. Бир қисми ихтиёрий қавишда олинди, бир қисми мажбур қилинди. Душманнинг қундан қўзлаган қарсади – ўша маҳаллий йигитлар ёрдамида бизнинг қарда турганимизни аниқлаб олишди. Қастлаб, ўша йигитларнинг қаммаси қаргов қилинди, улардан бизнинг қардалигимизни сўрашди. Сўнг бизни қидириб топишга жўнатдилар. Зоти олийлари! Биз сиздан илтимос қиламизки, душманнинг қундай қаракатларига қарши қима қилишимиз тўғрисида қаслахат қарсангиз, буйруқларингизга қунтазирмиз! Биз ўз бурчимизни тўғри адо этаётганимизга ишонч қосил қилишимиз учун қам сизнинг қўрсатмаларингизга муҳтожмиз!”

Бу мактуб Мирзо Саидхон Гозий номига юборилган. Маълум бўлмоқдаки, юртни большевиклардан химоя қилиш учун етарлича қуч бор эди. Бу қуч – халқ бўлган. Аммо уни бошқарадиган бошвок йўқ. Бор бошвокларнинг эса бирининг гапи иккинчисига тўғри келмай қирпичок бўлишди. Юртнинг бир қанотида дахрийлик, иккинчи қанотида эса мутаассиблик ин қуриб, охир оқибат уни большевиклар қопқонига туширишди...

Соғуний ҳаёли яна ўша Андижон сафари, ақаси билан бўлган суҳбатлар, Туркистон мухторияти қонга ботирилгач халқнинг оёққа қалқиб хақидаги воқеаларга дўнди.

– Ақам Олимхонтўрада ёшлиқдан олимлик сиёғи бор эди. Ўша Макка шаҳрида ўқиб юрганлари пайтидаёқ Қуръон ва Ҳадисни ўқиб-ўрганишда араб грамматикасини чуқур билиш лозимлигини англаб, бу илми маромига етқазиб ўргандилар. Бухорода ўқиб юрганларида эса “Иншооллох бир қун қелиб араб тилидан дарслик тузиб, талабаларга ўқитаман”, деган ниятни юракларига тугиб қўйди. Шуни алоҳида таъқидлаш зарурки, ўша пайтлари араб тили грамматикаси бўйича дарсликлар қам бўлишдан ташқари улар жуда мураккаб эди. Шу жихатдан талабалар дарсларни ўзлаштиришда қўп азият чекишарди. Балқи қадимчиларнинг “Мадрасанинг йигирма йил тупроғини ялаб шу биргина сарф ва нахви ўргандик қолос”, деганларида араб грамматикасининг мураккаблигини назарда тутишар. Ҳақиқатда шундай эди. Ақамнинг ўзи ҳам бундан қийналгани боис сарф ва нахви ўрганиш бўйича соддалаштирилган қитоб тузишни мақсад қилиб ўша қор ҳуқумати пайтидаёқ, яъни 1915 йилда “Мифтахун нахв” яъни “Нахв қалити” номли қитоб ёзиб, уни адашмасам Тошқентдаги бир ўруснинг босмақонасида қоп эттирди. Бу қитоб ўша алқов-далқов йиллардан омон-эсон ўтиб шу бугунгача ҳам мадраса ва ҳужраларда ўқитилмоқда. Иншооллох қитобнинг умри боқий бўлғай.

... Ўша тундаги суҳбатларимиздан англадимки, Туркистон мухторияти қоинлар ва болшевик жаллодлари томонидан қонга ботирилгач, ақамнинг ҳуқумат ишларидан қўнғли қолган эди. Ўзи аслида у қиши ҳам, мен ҳам динни маҳқам ушлаган оддий бир фуқаро эдик. Аммо биз Аллохнинг бу муқаддас динини атрофимиздаги одамларсиз, уларнинг ҳаётисиз, бу ҳаётнинг оғир-енгилликларисиз, қамиятнинг, маъжуд ҳоқимиятнинг ўша одамларга, уларнинг ҳаётларига муносабатисиз тасаввур этолмасдик. Зотан, бу ҳар бир муслмоннинг, ҳар бир одамнинг оддий ҳаёти эди. Бу дунё-ю ҳаётда ўзини қайдан қелиб қаён бораётганини, қўшнингни, қўшнингнинг қўшнисини, маҳалла-қўй, уруғ-аймоқ, қўйинги, бутун қамиятнинг турмуши қандай қечяпти, бизлар ўзи қандай одамиз, бизларни йўлбошчиларимиз қимлар деган саволларга ҳар бир одам қизиқиши ва унга қавоб топиши лозим бўлади. Биз ақа-уқалар ана шу саволларга ўзимизча қавоб қидирав эдик. Албатта, топган бу қавобларимиз ҳар-қил бўлиши табиий. Бу ҳам рўзи азалнинг иши...

Ақам бир неча йил Андижон ва бошқа қойларда яшириниб юргандан кейин Тўқмоққа қайтди. Бу воқеа менинг қамокқа олинишимдан сал олдинроқ бўлди. Тўқмоқ халқи ақамни қатта қувонч билан қарши олишди. Уларнинг қўплари ақамнинг муҳлислари, орқасида туриб намоз ўқиган қавм эди. Исломада шундай одат бор. Имомликка илми ва ёши улуг одам, ағар ёши улугларнинг илми бундайроқ бўлса ёш бўлса, ҳам илми муқаммал одам ўтади. Ана шу таомилга қўра, ақам отамиз қурдирган масқидда яна имом бўлиб қолди.

Халкимиз азалдан огзида илми бор кишини ўзига жуда якин олган. Агар бу одам ана шу атрофдаги одамларнинг иссиқ-совугидан, турмуш тарзидан хабардор бўлиб, ўзини улардан узок тортмаса унга бўлган меҳр-окибат ўн чандон ортган. Акамиз Олимхонтўра эса ўшандай уламолардан эди. Туркистон Мухториятининг конга ботирилиши, ўзининг сафидаги уламоларнинг мутаассиблиги Олимхонтўранинг кейинги ҳаётига каттик таъсир килган, деб ўйлайман. Унда илгариги шижоат, илгариги мардонаворлик сўнгандай эди. Дастлаб Эргаш кўрбошидан, кейин эса болшевиклардан кочиб кишлокма-кишлок юриш, икки-уч йиллик сарсон-саргардонликлар уни чарчатиб кўйганди. Хар холда мен унинг гап сўзларидан, ҳаракатларидан шуни тушундим.

– Болшевиклар бутун расм-русумларимизга ҳам ўзгартиришлар киритмокчи, – деди у бир нуктага караб ўтирар экан. – Махалла оксоколларидан тортиб жоме масжидларининг имомларигача ўзлари тайинлашмокчи... Аммо уларнинг бу ҳаракатлари ўзимиздаги мавжуд ясоқ ва юсунлардан авло эмас. Факат устидаги тўни билан остидаги отини алмаштирадилар, холос.

– Дарҳақиқат шундай, – деди Соғуний акасининг сўзларини маъқуллаб, – аслида Туркистон ва Мовароуннахр султонларининг ўз пайтларида тутган аскарый ва халк устидаги ясоқ ва юсунлари Чингизхоннинг ясоқ ва юсунларидан олингандир. Чингизхон халк кўзида ўз салтанатини хайбатли кўрсатиш учун шундай ясовни курган эди. Чунки у хаддан оша золимлиги устига, бир канча катта давлатларни мағлуб этиб, уларни ўзига қаратган эди. Дунёнинг хар томонидан унинг ўрдасига подишоҳлар, элчилар узилмай келиб турарди. Хар жойда галаба қозонган киши бошқаларнинг ундан қолиб бўлишидан кўркади. Шу сабабли Чингизхон ўрдадаги соқчилар ва тўқсовуллар бошлиги қилиб эшик огаси қўйишга мажбур бўлган. Токи халк ўз ихтиёрича унинг олдида қира бермасин; ёки жондан кечган бир киши унга ёмонлик қасд қилмасин. Яна йўлда қетаётганларида пўшт-пўштчилар, сафар бошлиги қилиб салом огасини тайинлайдилар. Буларнинг вазифалари подшоҳга пиёдаларни якин қелтирмаслик, уларни узокрокка суриб, отликларни отлардан тушириш эди. Шундай қилиб, бу юсунлар (одатлар, вазифалар) Туркистоннинг кейинги хонларига (бизнинг кунларимизгача – муаллиф) мерос бўлиб қолди. Бу юсунлар шу даражага етдики, бир ўлканинг қичик хонлигига эга бўлганлар ҳам бу қондани ташламадилар...

Соғуний ҳаёлидан отаси Шоқирхонтўра ва мухтарама оналари Норбуви ўтди. Хар иккалалари ҳам болажон, ок-корани таниган мўътабар инсонлар бўлишган. Акамнинг оила даврасига қайтгани, менинг ҳам ўзининг бағрида эканлигим онамизни жуда қувонтирган эди, отам...

ТАРИХ. Соғунийнинг ўғли Қутлугхонтўра бир суҳбатда шундай деган эди:

– Тўқмок шаҳрида Наврўз қуни ўзбек оиласида иккинчи ўғил – менинг отам Алихонтўра таваллуд топдилар. Оналарининг номи Норбуви, афсуски улар ҳақида билганларим ҳозирча жуда оз. Оталари Шоқирхонтўра асли андижонлик, Накшбандия сулуқиға мансуб диний олим бўлиб, Шоқирхўжа эшон номи билан ҳам машхур эдилар. Катта буваимиз Муҳаммадхўжа уларнинг оталари Мирниёзхўжа ва шу йўсинда йигирма нечанчи буваимиз Қилич Бурхон эканлар, буларнинг макбаралари ҳозир ҳам Ўзган шаҳрида қад

кўтариб турибди. Отамизнинг улуг бир исломий бўғинга мансуб эканликларини тўқмоқлик қариялар айтиб берган ривоятлар ҳам исботлайди. Айтишларича, Курбон Хайит байрами кунлари экан. Бир тўп болалар қувонишиб, шовкин-сурон солишиб масжид ёнидан ўтиб борардилар. Масжид дарвозасига етганда гурухдан биргина бола ажраб такка тўхтаб қолади. Ичкаридан “Хув Оллох, хув” макомида айтилаётган ҳақ таоло зикри унинг борлигини чулғаб олган, бутун вужуди билан титрарди, кўзларидан дув-дув ёш оқарди. Шу аҳволда бола зикр давраси томон яқинлашди. Дарвешларнинг кексаси буни кўриб турган эди, болани ердан азот кўтариб, давра ўртасига олиб кўйди. Шундагина у аста-секин ўзига келиб, норасида ингичка овози билан зикр оқимиға кўшилди.

Болаликдан ўчмас хотира бўлиб қолган бошқа бир воқеа ҳам диққатга моликдир. Шундоқки, отамиз 10-11 ёшларида бувамиздан бир чиройли қулун ҳадя олган эканлар. Уни меҳр билан парваришлаб боқиб, ювиб-тараб, ўстириб, той бўлиб қолган кезларда, бир кун маҳалла болалари югуриб келиб дейдиларки! – “Алихон! Ўткинчи қозоқ ўрисилари (казаклар – муаллиф) тойингни олиб кетяптилар”. Бу ўринда шуни эслатиб кетиш керакки, оқ қошқонинг эрқалари ҳисобланган казаклар ўша вақтларда маҳаллий халқнинг хоҳлаган уйига кириб, истаган нарсасини тортиб олаверарди, мол-қорваси-ю, йилқисини ҳам хайдаб кетаверарди. Уларнинг қиличи ва ўқидан, қалтагидан омон қолган жабрдийда эса дардини қимға айтса айтаверсин, барибир бефойда эди.

Бува-бувиларимизнинг “хай-хай”лаганиға қарамай, бундай зулмға чидаёлмаган отамиз, бошқа отға мина солиб казакларни қувиб етадилар ва жон халқида тойқоннинг бўйнидан маҳкам қучоқлаб оладилар. Бош-кўзлари мўматалок бўлиб, қамчи қарбидан қон шар-шар оқаётган бўлса-да, казаклар уни тойқондан ажрата олмайдилар. Охири, ҳалойиқ тўпланаётганини кўриб, казаклар қўл қилтаганча ўлжадан қоз қечиб, сўқина-сўқина жўнаб қоладилар. Отам раҳматлидан бошқа яна қўп қаройиб қечмишларни эшитгандим. Бироқ, қазқур икки воқеа қенинг таҳлили оқизимға қўра, бир қантиқий бутунлиққа эға. Яъни, қурт бошиға булутли қунлар тушганда, она Турқистонимиз бағрида Аллохға қаттиқ боғланган, душманға эғилмас қарзандларидан бири ёруғ дунёға қелди...

«Жаҳон адабиёти» журналы, 2018 йил, 9-сон